



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2016-yil 1-sentyabr №36 (4383)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, эл-юртимизни мустақил тузум кишанларидан озод қилиб, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан барчамизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклимаман.

Қадри дўстлар!

Барчамизга аёнки, мустақиллик ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси миллат тарихида осонлик билан қўлга киритилган эмас. Бу ҳақиқатни чуқур англайдиган халқимиз шу қурашда фидойилик кўрсатган, қурбон бўлган ота-болаларимизнинг хотирасини қалбда абадий сақлайди.

Айни шу кунларда ўзини оқламаган эски тузумдан янги тизимга ўтиш даврини эслар эканмиз, бошимиздан кечирган машаққатли кунлар ва оғир синовлар беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Айниқса, собиқ тузум асоратлари туфайли республикамизда аҳвол нақадар хатарли тус олганини, аввало, таъминот масаласи бутунлай издан чиқиб, халқимизни боқиси учун бор-йўғи бир ҳафта-ун кунга етadиган ун захираси қолгани, тартиб-интизом бўшашиб, турли қўпоровчи ва ғаламис кўчлар бош кўтариб, юртимиз деярли жар ёқасига келиб қолгани мисолида тасаввур қилиш қийин эмас.

Ана шундай ўта таҳликали вазиятда ҳам биз ўз танлаган йўлимиздан – мустақиллик йўлидан қайтмадик. Чунки биз яхши тушунарлик – ҳаёт-мамотимиз ҳал бўлаётган айни шундай давларда қийинчилик ва тўсиқлар олдида бўш келиш – бу ҳозирги ва келажак авлодлар олдида ҳиёнат қилиш билан баробар бўлур эди.

Айни шу пайтларда халқимиз ўзининг қатъияти ва матонатини амалда намойиш этиб, Ўзбекистонимизнинг ёруғ ва буюк келажига ишончини йўқотгани йўқ ва ишчиоолло, ҳеч қачон йўқотмади.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллиكنинг биринчи кунлариданок, аҳолимиз қандай оғир ва хавф-хатарли бўлмасин, ҳар қадамда пайдо бўлаётган тўсиқ ва ғовларни, турли муаммоларни ечиш билан банд бўлишдан қатъи назар, мамлакатимизнинг бугунги куни ва истиқболига жавоб берадиган, чуқур ўйланган стратегиямиз устида ишчимизни тўхтатганимиз йўқ.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришишда – эркин, демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, фуқаролик жамиятини барпо этишда, мамлакатимизни тараққий топан давлатлар қаторига кўтариш йўлида шошма-шошарлик ва пала-партиш ишларга йўл қўймадик, ҳақондаги илгор тажрибаларни ўрганиб, лекин қимдандир кўр-кўрона нусха олганимиз йўқ. Бу борада чуқур маънога эга бўлган "Ислохот – ислохот учун эмас, аввало, инсон учун" деган ғоя асосида эл-юртимизга хос хусусиятлар, шарт-шароитларга мос бўлган, халқро майдонда "ўзбек модели" деб тан олинган, узоқни кўзлаган йўлни ўзимизга маъқул топдик ва уни амалга оширишга киришдик.

Биз танлаган йўл – машхур беш принципга асосланган тараққий стратегияси нақадар тўғри эканини оғир синовлардан ўтиб, мамлакатимиз ривожлантириш умумийлиги дастурини қабул қилиб, таъминот тарбия тизимини тубдан ўзгартирмасак, бунинг учун давлатимиз ва бутун жамоатчилигимизнинг куч ва имкониятларини сафарбар этмасак, бугунги аҳолимиз қай даражада бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳеч иккиланмасдан айтишга барча асосларимиз бор – ҳозирги кунда лицей ва коллежларни, олий ўқув юрларини битириб чиқаётган, ҳаётга янгича қарайдиган минг-минглаб ёшларимиз биз учун, келажакимиз учун тоғдек таянч бўлиб, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг ташаббускори ва иж-рочиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ватанимизнинг келажига ва тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган бундай янги авлодни тарбиялашга қаратилган дастурларни ўз вақтида қабул қилганимиз ва давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз янги жамият қуришимизда ҳақиқатан ҳам хал қилувчи роль ўйнамоқда.

Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги ўзини боқисига, ўзини ҳимоя қилишга қурб етмаган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккахокимлиги ҳалокатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ республикадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, қудратли давлатга айланиб бормоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўлаамиз.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар ўсди, унинг таркибида саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга етди, жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганга қарама-масдан, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида камдан-кам давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Айтиш керак, 2016 йилнинг биринчи ярми ажойиб бўйича ҳисоб-китоблар шунини кўрсатмоқдаки, жорий йилда ҳам ўсиш суръатларимиз бундан паст бўлмайди.

Энг муҳими, ўтган давр мобайнида одамларимизнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайгани, аҳолиимизнинг сони 2016 йилнинг охиригача 32 миллиондан ошиб кетиши, яъни мустақиллик йилларида халқимиз 12 миллионга кўпайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимизни, эл-юртимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлиги ўсиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Буларнинг барчаси, аввало, мард ва матонатли халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати эвазига амалга оширилмоқда ва мамлакатимиз ўзининг барқарор ривожланиш суръатлари билан халқро жамоатчилиكنи ҳайратда қолдирмоқда.

Мухтарам юртдошлар!

Барчамиз яхши тушунаимиз – биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр, дунё бозорларида ноаниқлик, беқарорлик ва инқироз давом этаётгани, рақобат кучайиб, шафқатсиз тус олаётгани, хомашё нархининг пайсаяиб бораётгани – бундай ҳолатлар барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлардан, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда.

Энг аввало, мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация қилиш, унинг рақобатдошлигини ошириш йўлида бошлаган ислохотларимизнинг давом эти-тириш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва унда давлат иштирокчини камайтириш, хусусий мулкнинг улушини кенгайтириш ва унинг устуворлигини таъминлаш вазифалари ҳал қилувчи ўрин тутиши зарур. Шулар қаторида хусусий тадбир-корлик ва кичик бизнес самарасини ошириш, хори-

жий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, замонавий, юқори технологияларни жорий этиш мақсадида мамлакатимизда яратилган имтиёзларни янада кенгайтириш вазифалари доимо эътиборимиз марказида туриши даркор.

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда қарама-каршилиқ ва зиддиятлар кучайиб, турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи тобора кескинлашиб бораётгани ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва барчамиздан ҳаммаша ҳушёр ва оғоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Вужудга келаётган мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонимизнинг хавфсизлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, турли бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, юртимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачигидек сақлаш, "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу давлатни барчамизнинг бурчимиз ва устувор вазифамиз сифатида амалга оширишимиз зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва пайдо бўлаётган қарама-каршилиқ ва зиддиятларни тинч, сиёсий қелишувлар йўли билан ечиш тарафдоримиз.

Турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслик, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари, жойлаштирилишига ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиздан ташқаридаги ҳудудларда бўлишига йўл қўймаслиكنи ўзимиз учун маъқул, деб биламиз.

Биз мустақиллик йилларида яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат, ўзаро манфаатларни тан олиш асосида олиб бораётган алоқаларимизни, аввало, ҳамкорлик ва ҳамжихатлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб келганимиз ва айни шундай сиёсатни давом эттиришга тайёремиз.

Азиз ватандошлар!

Шу кунларда бутун халқимиз Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада йилларида 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритиб, буюк ғалабада эришган спортчи ёшларимизни қизгин қўлламоқда. Дунёдаги 206 та мамлакатдан келган манаман деган спортчилар билан бўлган кескин беллашувларда ўғлонларимизнинг кўрсатган мардлиги ва фидойилиги, маҳорати ва матонатни, она Ватанимизга муҳаббати минг-минглаб ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлди, деб гурур ва ифтихор билан баралла айтишга барчамиз ҳақлимиз.

Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон ёшларининг дунёда ҳеч қимдан кам эмаслигини бутун жаҳонга намойиш этган моҳир спортчиларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларига, миллий олимпия терма жамоамизнинг барча аъзоларига чин қалбимдан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга қаратиб айтмоқчиман: бўш келманг, азизларим, давр бизники, марра бизники!

Қадри ва муҳтарам ватандошларим! Сизларни, бутун халқимизни Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга, эл-юртимизга файзу барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлла-син, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларида самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий равақ ҳамда фаровонлик каби эзгу истаклар изҳор этилган.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мактубида шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 25 йиллиги билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Мамлакатингиз ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли ютуқларга эришди. Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори бениҳоя юқоридир.

Дўстлик ва ўзаро ҳурматнинг эзгу аъёналарига таянувчи давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида фаол ривожланиб бормоқда. Ишончим комилки, биз ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорлиكنи бундан буён ҳам барча йўналишларда мустаҳкамлаб, долзарб халқро масалаларни ечишда саъй-ҳаракатларимизни самарали равишда мувофиқлаштириб бораверамиз. Бу Россия ва Ўзбекистон халқларининг тўб манфаатларига жавоб беради, минтақавий барқарорлик ва хавфсизлиكنи таъминлашга хизмат қилади.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига бахт-саодат ва равақ тилайман.

Эътиром ила,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллашган:

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қиролчаси – **Елизавета II**

Япония Императори – **Акихито**

Бельгияликлар Қироли – **Филипп**

Франция Республикаси Президенти – **Франсуа Олланд**

Ҳиндистон Республикаси Президенти – **Пранаб Мукержи**

Козогистон Республикаси Президенти – **Нурсултон Назарбаев**

Молдова Республикаси Президенти – **Николае Тимофти**

Туркия Республикаси Президенти – **Режеп Таййип Эрдоғон**

Туркия Республикаси Бош вазири – **Бинали Йилдирим**

Чехия Республикаси Президенти – **Милош Земан**

Словакия Республикаси Президенти – **Андрей Киска**

Болгария Республикаси Президенти – **Росен Плевнелиев**

Малайзия Қироли –

Абдул Халим Муадзам Шоҳ Янг ди-Пертуан Агонг XIV

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин Озодлик Ташкилоти

Ижроия Қўмитаси Раиси – **Махмуд Аббос**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти – **Абдул Ҳамид**

Исроил Давлати Президенти – **Реувен Ривлин**

Сингапур Республикаси Президенти – **Тони Тан Кенг Ям**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари,

Ички ишлар вазири – **Сайф бин Зайд Ол Наҳаён**

Бельгия парламенти Вакиллар палатаси раиси – **Зигфрид Браке**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби – **Рашид Алимов**

ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси

директори – **Евгений Сисоев**

Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича

вице-президенти – **Сирил Мюллер**

Корея халқро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти –

Ким Ин Сук

Корея Экспорт-импорт банки раиси ва президенти – **Ли Дук Хун**

"Самсунг Инжиниринг" президенти ва бош ижрочи директори –

Пак Чунг Хим

"ЛУКОЙЛ" компанияси президенти – **Вагит Алекперов**

Хитой миллий нефть-газ корпорацияси директорлар кенгашининг

раиси – **Ван Илин**

"Поли Текнолохиз" компанияси президенти – **Ван Линь**

"ЗТЕ" корпорацияси президенти – **Чжао Сяньмин**

"Сумитомо Корпорейшн" Бошқаруви раиси – **Каэуо Омори**

"Марубени Корпорейшн" Бошқаруви раиси – **Теруо Асада**

"Мицубиси Хитачи Пауэр Системс" Бошқаруви раиси –

Кожи Танака

"Мицубиси Хэви Индастриз Лтд." президенти ва катта ижрочи

директори – **Шунъичи Миянага**

"Фуџицу Лимитед" президенти – **Тацуя Танака**

"Исузу Моторс Лимитед" Бошқаруви раиси ва ваколатли директо-ри –

Сусуми Хосои

"ИТОЧУ Корпорейшн" президенти – **Масахиро Окафудзи**

Қувайт араб иқтисодий тараққийот ҳамғармаси бош директори –

Абдулвахоб ал-Бади

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили –

Петер Буриан

Европа Парламенти депутати, Европа Парламентининг Марказий Осиё

бўйича делегацияси раиси – **Ивета Григуле**

Инха университети президенти – **доктор Чой Сунжа**

Нагоя университети президенти – **Сенчи Мацуо**

Европа менежмент ва технологиялар мактаби президенти –

Йорг Рохолл

Москва ва Бутун Россия Патриархи – **Кирилл**

Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи

раҳбари – **Викентий**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ТОШКЕНТГА "ОРЗУ ЛАЙНЕРИ" КЕЛИБ ҚЎНДИ

"Тошкент" халқро аэропортида "Boeing-787 Dreamliner" самолёти тақдироти бўлиб ўтди



"ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ" КИТОБ-АЛЬБОМИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз айёмиимиз — Мустақиллик байрами арафасида "Ўзбекистон мустақиллиги йигирма беш йиллиги" номли янги китоб-альбом нашрдан чиқди.





МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИГА ГУЛ ҚЎЙИЛДИ

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини катта кўтаринкилик билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишламоқда. Жорий йилда энг улуг, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб «Гўзал ва бетақороримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан 31 август кунини хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирилик ва идоралар номидан ҳарбий оркестр садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйилди.

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуг тушунчалар доимо ёнма-ён. Халқимизнинг тарихий ютуғи – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу ҳақиқат яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободонлаш-

тириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун Мустақиллик майдонининг кўрку таровати ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу ердаги доимо яшнаб турувчи дарахтлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабададан дарахтлар, ям-яшил майсалар оҳиста тебранади. Кундузлари қуёш нурида, тунлари нурафшон чироқлар шуъласида жилонаувчи фавворалар майдон ҳавосини мўтадил саклайди. Бу ерга келган одам ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теран ҳис этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси акс этган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мус-



таҳкам ишончимиз-ифодаланган, фарзандини бағрига босиб, унга термулиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, беғубор болалигимизни, баркамол авлодимизни кўргандек бўламиз. Мазкур мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамла-

тимизда аёл зотиға бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

— Ҳар гал Мустақиллик майдониға келганимизда қалбимизда ўзгача туйғулар жўш уради, — дейди “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Акмал Жумабоев. — Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор туфайли

қўлга киритаётган ютуқ ва марраларимиз билан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Бугун юртимиздаги ҳар бир ёш қалбига Ватан келажиги учун масъуллик, Ватан равнақига муносиб улуг қўшишдек эзгу ният мужассам.

Ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маънавият ва салоҳиятга эга халқ янги-янги марраларни қўлга киритишга қодир. Мустақиллик йилларида халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги шарт-шароитларда ҳаёт кечиришга ўрганди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимизга қўйган улуг мақсадларга эришаётганимиз, биз ҳеч қимдан кам эмаслигимизнинг амалдаги ифодасидир.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, бекиёс имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун юртимиз тарихида мангу буюк сана бўлиб қолади.

1 сентябрь кунини пойтахтимизнинг барча туманларида байрам тантаналари ўтказилади. Мамлакатимиз вилоятларида байрам тадбирлари, сайллар давом этади.

ЎЗА

ТОШКЕНТГА “ОРЗУ ЛАЙНЕРИ” КЕЛИБ ҚўНДИ

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриғида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси 2016 йилда “Boeing-787” ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодиға мансуб иккита янги самолёт билан таъминланганини айтгани эсимизда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида уларнинг дастлабкиси мамлакатимизга келди.

Шу муносабат билан “Тошкент” халқаро аэропортида тантанали маросим бўлиб ўтди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тянь, Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва муҳтор элчиси Памела Спратлен ва бошқалар Ўзбекистонда замонавий моддий-техник база ҳамда юқори малакали мутахассисларга эга фуқаро авиацияси ташкил топгани, ҳаво кемалари парки мунтазам янгиланиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон мустақиллиққа эришгач, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти – ИКАОга аъзо бўлди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси халқаро авиаташувлар бозорига муносиб ўрин эгаллади.

Мамлакатимиз аэропортларида халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Халқаро фуқаро авиациясининг “Аэропорт” ассоциацияси томонидан “Ургач” халқаро аэропорти 2015 йилнинг энг яхши аэропорти, деб топилди. “Туризм соҳасига қўшган улкан ҳиссаси” номинациясида голибликни қўлга киритди. 2014 йилнинг июни ойида учта аэропорт 2013 йилги фаолияти якунлари бўйича “МДХ мамлакатларидаги энг яхши аэропорт” танловининг турли номинацияларида голиб бўлди. Мисол учун, йилга юз мингдан ярим миллионгача йўловчи ташилаётган “Бухоро” аэропорти “Барқарор ривожланаётган аэропорт” мақомига сазовор бўлди. “Самарқанд” ва “Ургач” халқаро аэропортлари “Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси” номинациясида голиб чиқди.

Замонавий авиация техникаси мамлакатимиз ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлиги, барқарорлиги ва мунтазамлигини таъминламоқда. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси бу борада 1996 йилдан буён АҚШнинг дунёға машҳур “Boeing” корпорацияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу кунгача миллий авиакомпаниямиз йигирмага яқин “Boeing” самолётини харид қилган. Ўрта магистралли Airbus A320 лайнерлари, йўловчи ва юк ташуш учун мўлжалланган Boeing-767 самолётларидан самарали фойдаланилмоқда. “Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонасида нафақат Ўзбекистон, балки бошқа қўллаб-даватлар авиакомпанияларининг шу русумдаги самолётларига техник хизмат кўрсатишмоқда.

Учувчи-техник таркиб, техник хизмат кўрсатиш мутахассислари тайёрлаш бора-бора ҳам ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзбекистонлик учувчи ва техник ходимлар “Boeing” ўқув марказларида малака оширмоқда.

“Boeing-787 Dreamliner” бугун дунёдаги энг замонавий самолётдир. Унинг номи инглизчадан таржума қилинганда “Орзу лайнери” деган маънони англатиши ҳам бежиз эмас.

Ушбу ҳаво кемасининг аскарият қисми ноёб композицион материалдан ишланган. Бу унинг вазнини енгиллаштириш, парвоз хусусиятларини яхшилаш имконини берган. Самолёт ишончилиқ, хавфсизлик ва тежамкорлик нуктаи назаридан ҳам қўллаб-қувватланадиган эга. Шу боис у узоқ ва ўта узоқ масофаларга тўхтовсиз уча олади. “Dreamliner” Ўзбекистондан АҚШ, Канада, Австралия ва Африка мамлакатларига тўғридан-тўғри парвоз қилиши мумкин.

Илгор инновацион технологиялар асосида яратилган ундаги қулайликларни янада оширган. Boeing-767 самолётига нисбатан унинг ёқили сарфи 10 фоизга кам, салони диаметри эса 1 метр кенг. Лайнер учиш тезлигининг юқорилиги Тошкентдан Москвага 10 дақиқа, Лондон ва Парижга эса 20-30 да-

қиқага тезроқ етиб бориш имконини беради. Самолёт саломи дизайнига ҳам янгича ёндашилган, махсус конструкциядаги ўриндиқлар билан жиҳозланган. 246 нафар йўловчига мўлжалланган мазкур авиалайнер парвозлари мароқли ўтказиш имконини берувчи қулай ўриндиқ ва коммуникация технологиялари, махсус пол қўпмалар, янги-ча ёритиш ва шовқин ўлчамлиданга тизимлар билан жиҳозланган. Унинг ташқи шовқин товуши аввалги моделларга нисбатан икки баробар пасайтирилган.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси МДХ давлатлари орасида иккита “Boeing-787 Dreamliner” самолётини сотиб олиш бўйича шартнома тузган биринчи авиакомпаниядир. Янги самолётлардан фойдаланиш учун ер усти инфратузилмаси, муҳандис-техникавий ва учувчи таркибининг тайёрлаш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясида юқори малакали 18 учувчи ва 2 учувчи-инструктордан иборат янги гуруҳ шакллантирилди. “Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонасида 64, жумладан, техник хизмат кўрсатувчи 6 инструктор тайёрланди.

— Ўзбекистонлик учувчилар билан биргаликда “Boeing-787 Dreamliner” самолётлари Тошкентга учиб келди, — дейди АҚШнинг “Boeing” компанияси учувчи-инструктори Йэн Салливан. — Ҳаво транспортларида ишлаш — бу жуда катта масъулият, чўқур билим, қобилиятни талаб этади. Ўзбекистон ҳаво транспорт мутахассисларининг профессионалигини алоҳида таъкидлашни истардим. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мамлакатининг давлат мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этаман. Ўзбекистонга равақ, халқинингиз бахт-саодат, фаровонлик ва улкан зафарлар тилайман.

“Boeing-787 Dreamliner” самолётини Ўзбекистонга миллий авиакомпаниямиз экипажи — учувчи-инструктор Иосиф Зак, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси янги “Boeing-787 Dreamliner” учувчилар отряди командири Асаджон Турсунов ҳамда авиакомпаниянинг бош штурмани Станислав Гурфинкель бошқариб келди.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги самарасида миллий авиакомпаниямиз улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда, — дейди Асаджон Турсунов. — “Boeing-787 Dreamliner” самолётларида Сиятл 12 соат давом этади. Мазкур янги авиалайнер двигателининг тежамкорлиги, бошқарилиши янада қулайлиги ва салонда йўловчиларга барча шароит яратилгани билан ажралиб туради. Йўловчилар узоқ мамлакатларга парвоз пайтида бир самолётдан иккинчисига ўтмай манзилга етиб олишсини истайди. Мазкур самолёт уларнинг бу истакни бажара олади. “Орзу лайнери”ни бошқариш имкони насиб этганидан жуда бахтиёрман. Биз, учувчилар учун яратилган қулай шарт-шароит ва катта имкониятлар учун давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдирамиз.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси “Boeing-787 Dreamliner” самолётлари билан таъминланиши мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқовлов сўзга чиқди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

Она Ўзбекистонимизнинг XX аср охири ва XXI аср бошидаги 25 йиллик мустақиллик даврининг ҳар бир кунини Буюк тарих саҳифаларига ўзига хос маъно-мазмун билан битиб қўйилган.

1991 йилнинг 31 августи. Президент Ислам Каримов шу кун юксак минбардан туриб, катта маънавий жасорат билан Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Ана шу тарихий кунга қадр Хурриятга эришиш йўлида қўйилган қўлғу қадамлардан тортиб, мустақиллик даврида қўлга киритилган истиқлолни мустаҳкамлаш, миллий тараққиёт ва бунёдкорлик соҳасида амалга оширилган улғу ишларга инсоният тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилажакдир.

1993 йилнинг 31 августи. Ватанимиз ўз мустақиллигининг икки йиллиги байрами арафасида юртдошларимиз мамлакат пойтахтининг қоқ марказида она юртининг даҳо халоскори, мард саркарда ва буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ҳайкали очилаётган кунини хушбахтлик билан қутиб олдилар.

“Бугун биз ўзбек халқи ҳаётида унутилмас тарихий бир воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб турибмиз, — деб бошлагандаи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантананида сўзлаган нутқини. — Биз яшаб турган шу муқаддас заминда буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иккимда машҳур бўлган улғу бобокалонимиз Амир Темур ҳайкалини очиш маросимига йиғилдик.

Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз Ватанига қайтди. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди. Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унуттишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагиндан миллий онг, миллий гуруҳ туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка қўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, баҳодирларини унутмади, ҳамиша юртида, қалб тўғида саклади”.

Президентнинг ҳар бир сўзини жон қўлоғи билан тинглаётган юртдошлар қалбига буюк меҳрдан туғил

КУЧ — АДОЛАТДАДИР СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ ҚАЙТИШИ

Озодликни соғиниб, озодлик йўлида курашиб ўтган аждодларимизни дуолар билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Аждодларимизнинг пок руҳлари шод бўлсин, уларнинг орзуларига муносиб ва садоқатли бўлайлик.

Истиқлол муборак, азиз ватандошлар! Озодлигимиз абадий бўлсин!

Ислам КАРИМОВ

(Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантананида сўзлаган нутқдан).

ган буюк ифтихор ва гуруҳ мавжладан турарди. Муаззам Тошкент узра улғу боболарининг шодмон руҳлари кезиб юргандек, асрлар қаъридан интиқ нигоҳ тикаётган уйғоқ руҳлар



Истиқлол берган саодат

ҳаловат топгандек эди.

Ана у муҳтарам сиймо, тулпори узра қомат кериб, ўнг қилими шитобла силкиб хитоб қилаётди. Соҳибқирон не демоқда?

У зот сиймосига буюк таважжўх ила боққан ҳар бир фарзанд бу хитоб мағзини қаққиси, ундан ажиб маънолар уққиси келарди. Менинг кўнглимдан кенгани эса шудир — буюк бобомиз: — Тўхтанг! Эй, аҳли замон! Мен ўз элимга қайтдим! — демоқда.

Буюк жаҳонгир бу сафар Мовароуннаҳр сарҳадиға қайси бир иқлимдан одатдагидек зафар қучиб қайтаётган эмасдай. Соҳибқирон бу гал урхор-ур жангу жадалларни мозийда

қолдириб, олти асрлик оғир йўллардан киндик қони томган она юртига талпиниб келаётгандай. У зотнинг соғинч қаломлари шудир: — Тўхтанг! Эй, аҳли замон! Мен ўз элимга қайтдим. Ўз она тулпоғим, ота юртимга қайтдим!..

Узр бобоҳон, Сизни шунчалар кўп қуттириб қўйдик... Буюк соҳибқирон бобомизнинг ватанига қайтишга пешволлик қилиб турган муҳтарам Президентимизнинг қўллов сўзлари қулқоқларимиз остида акс-садо беради: “Инософ-иймон туйғуси, дейднат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмиға ҳукмронлик қилган жаҳонгир эрсада, у қучқудрат зўрлик, зўравонликка эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.

Бугун бунёд этилган улғу бобокалонимиз ҳайкалида теран рамз бор — гўёки жаҳонгир тулпорининг жиловини тортиб турибди, қиличсиз қўлини олдинга қўзиб жаҳон халқларига омонлик соғинмоқда, «Куч — адолатдадир» демоқда.

Доғишманд аждодимизнинг мазкур сўзларини мана шу муҳташам ёдгорлик пойига зарҳал ҳарфлар билан битар эканмиз, замонлар таърихидан ўтган бу бебаҳо ҳикматнинг қалбларимизда доимо акс-садо бериб туришини орзу қиламиз”.

... Мана, ана шу тарихий воқеа юз берган кундан буён истиқлол йўлидаги зафарларга тўлиқ 23 йил вақт ўтди. Халқимиз улғу бобомизнинг пок руҳлари мададкор бўлиб, мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий тараққиётни таъминлаш, миллий маънавий қадриятларни асрлар чанг-ғуборидан поклаш, улғу аллома боболаримизнинг қадр-қимматини жойига қўйиш, бетимсол бунёдкорликлар билан она

Ватан қўйсини безаш, шаҳар ва қишлоқларимизни бутун жаҳон қойил қоладиган даражада гўзал қилиб қайта қуриш, юксак тоғлар ва буюк саҳраларга камар бўлган автомобил ва темир йўллар барпо этиш бобида оламни ҳайратга солмоқда.

Шулар ҳақида мушоҳада юритарканмиз, бундан 23 йил муқаддам муҳтарам Юртбошимиз ушбу муаззам ҳайкалнинг пойида туриб ишонч ва ифтихор билан айтган мана бу давлаткор сўзлар қалбимиз тўрида нақшланиб қолганига иймон келтирамиз: “Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаън-шавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир. Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, имон-эътиқод, миллий гуруҳ туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улғу бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва гуруҳ бахш этмоғи муборрак!

Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жиҳлаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди. Барчамизга шу йўлда Оллоҳ мададкор бўлғай!”

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Атоқли шониримиз ўша қўлғу айём арафасида лутф этганидек:

Ҳар қанча фахр этсанг арзийди ўзбек, Балқисдан бир зотнинг юксак шониди. Темурбек юлдузи Олтин қозқидек Чараклар буюклар қаҳқалонида.

Буюк Соҳибқирон бобомизнинг пок руҳи Озод Ватанимизнинг истиқлол йўлидаги қўлғу қадамларида бизга ҳамиша мададкор бўлиб келаётди.

М.АБДУЛЛАЕВ

“ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛИНИНГ” КИТОБ-АЛЬБОМИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Маълумки, мустақил, озод, тинч ва фаровон яшаш дунёдаги барча халқлар учун энг муқаддас, энг буюк ва қадрили нозимат, ўз мамлакатиди. Ҳар қандай эга бўлиш ҳуқуқи энг олий саодатдир.

Чорак аср муқаддам ўзбек халқи асрлар давомида интилиб келган ана шундай эзгу ва юксак орзусига эришди. 1991 йил 31 август кунини Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президент Ислам Каримов мамлакатимиз мустақиллигини эълон қилди. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Дунё ҳаритасида янги мустақил, суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ватанимиз йигирма беш йиллик мустақил тараққиёт йўли давомида — тарихан қисқа муддатда асрларга тенг масофани босиб ўтди. Истиқлол йилларида мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бугунги Ўзбекистон — бу жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган, жадал ривожланаётган ҳуқуқий демократик давлат, халқаро майдондаги нуфузи ва ўрни йил сайин мус-

таҳкамланиб, интеллектуал ва иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётган замонавий мамлакатдир.

Юртимизнинг мустақиллик даврида босиб ўтган мураккаб ва айна вақтда шарафли йўли ҳақида ҳўқоя қилувчи ушбу альбомдан ўрин олган таҳлилий мақола ва фотосуратлар мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган, қўлами ва миқёсига кўра бениҳоя улкан ишлар, халқимизнинг оғир синов ва қийинчиликларни мардона енгиб, янги ҳаёт, янги жамият бунёд этишда қўлга киритаётган юксак ютуқ ва марраларини ёрқин ифода этиши билан, айнқиса, эътиборлидир.

Альбом Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг мухтасар сўзбошиси билан очилади. Мазкур сўзбошида, жумладан, шундай фикрлар таъкидланади:

“Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустақил тузум кишанларидан озод қилгани, миллий демократик дав-

лат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрили ва мўтабардир.

Айнан мустақиллик топталган қадриятларимизни, дину диёнатимизни, ору номуслимизни тиклаш, ўзлимизнинг англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажакимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сакланиб қолажак”.

Китоб-альбом “Бетақороримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!”, “Келажакка интилган мамлакат”, “Даврини белгиллаб берган инсон”, “Суратларда акс этган юрт ҳаёти” сингари бўлимлардан иборат. Матнлар ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилган.

Ўйлаймики, юртимизнинг етакчи ижодий кучлари иштирокида тайёрланган, юксак полиграфик сифат ва кўркам дизайн асосида нашр этилган мазкур китоб-альбом мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик шонли санасига муносиб совға бўлади.

ЎЗА.

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕК БОЛАСИ

Кўк далам, кўм-кўк далам,
Озод дийрим даласи.
Бир томон қайнар булоқ,
Бир ёнда ойнинг шўъласи.

Бунда булбул чаҳ-чаҳлар,
Бунда кумрим носаси.
Ҳандалак ҳиди билан
Улғайди ўзбек боласи.

О ҳаёт, гулгун ҳаёт,
Ҳамиша бор бўлгин, ҳаёт.
Бахтима кўз тегмасин,
Менга ёр бўлгин, ҳаёт.

Тарқалибмас, тўпланиб,
Жамланиб ҳар жоласи.
Бир тану бир жон бўлиб,
Кўпайди ўзбек боласи.

Парча ер, парча булут,
Парча осмонга шукур.
Менга тақдир туҳфаси
Нурли маконга шукур.

Тушмагай, тўқилмагай
Сочларинг бир толаси.
Юрт учун ҳеч нарсалан
Қайтмайди ўзбек боласи.

Биз аҳил, олам аҳил,
Гулу гиёҳлар аҳил.
Тогдаги тошлар аҳил,
Богда япроқлар аҳил.

Хуш эрур шотутлари,
Сув бўйида сояси.
Тут бешиқлар бағрида
Улғайди ўзбек боласи.

Дала тўла беланчақ,
Оғтоб унинг дояси.
Кўк далада ризқ териб,
Халқ бўлди ўзбек боласи.

Эркин АЪЗАМ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси

СЎЗ ХИЗМАТИДА

Адабий давраларда "ўзи учун ёзиш", "шунчаки кўнгил овуноғи" ёки "ёзганини ҳеч кимга кўрсатмай сандиққа (демак, маълум бир мақсад билан-да!) ташлаб қўйиш" деганга ўхшаш андак тамтомо-на гап-сўзлар ҳам юради. Бўлса бордир, лекин ўзини билган, чинакам ижодкорлик-ка чоғланган мардум, у ҳар қанча кам-тарину камсукум бўлмасин, қалами остидан чиққан битикни бир кун келиб кимдир, кимлардир ўқишини, му-носабат билдиришини хоҳламоғи, орзу қилмоғи табиий. Зеро, ким нима демасин, ҳар қандай яраткичнинг таъминотида ана шундай мудида, ана шунга даъво ётадики, бунинг айб жойи йўқдир — ботиний бир рақо-батсиз, муайян манфаат, интилишсиз ўсиш, раванга бўлмайди. Қани эди, ёзган-чизганингизни юзлаб, минглаб киши ўқиса, ўқиб тан берса, сизга фикрдош чиқса! Ҳар бир ижодкорнинг дил-дили-даги истак-мудида аслида шу. Айтган сўзингиз кўпчиликка етиши, манзур бўлиши учун эса, у ана шу кўпнинг кўнгил ифодаси, ҳаққоний ва адолатли фикр бўлмоғи, устозлар таъбири билан айтганда, халқнинг дилидаги, тилидаги гап бўлмоғи даркор. Акс ҳолда, бирон бир мажбурият остидан уч-тўрт кун чайнаб юриладию кейин "тупуриб ташланади".

Адабий ишга кўнгил боғлабманки, ана шу ақида-ларни ёддан чиқармасликка ҳаракат қилдим. Бундай-роқ бир нарсалар ҳам битгандирман, аммо шуларга ҳам бор иқтидоримни сарфлаганимни, адабиётга ҳиёнатни ор билиб, имкон қадар ҳаққоний ва адо-латпешалик йўлида қалам сурганимни таъкидлашим керак. Шу маънода мен ўзимни халқимнинг қаторда-ги бир мирзоси, анинг орзу-армонлари, қувонч-таш-вишларининг камтарин ифодачиси деб биламан. Менинг назаримда, халқчил адиб дегани фақат ёзи-қишан дашту дала кезиб, қўлида блокнот, ҳар ёққа тумшук уриб юрадиган кимса эмас. Ёш кўннингиз ёки ахши билган ёр-биродарингизнинг тақдир йўлини, кўнгил дардларини виждонан тасвирлаб берсангиз — у чинакам аҳамиятли шахсият бўлса, албатта — ишо-

наверинг, сиз халқчил асар яратдингиз, халқчил ёзу-чи — халқ ёзувчисисиз! Гоҳи анжуманларда камина-ни билиб-билмай "халқ ёзувчиси" сифатида эълон этиб юборганларидан худди бир гуноҳ иш қилгандек хижолатта ботиб, дарҳол изоҳ бермоққа тушар эдим, кейин-кейин эса ичимда "Ие, халқ ёзу-чиси бўлмай, бирон бир гуруҳ ёки тўда-нинг ёзувчисимисан, мана, одамлар эътироф этиб турибди-ку!" дея ўзим-ни қойиб қўядиган бўлдим. Бугун ана шундай андишаю хижолатликларга ўрин қолмади чоғи...

Албатта, бундай дамларда энтика-энтика раҳматлар демоқ ҳам, "Бахти-ёрман, бошим кўларга етди" деб мас-рурланмоқ ҳам айб саналмас, ҳатто та-биий бир таомилга айланган. Мен денг, кутмаганимгами, қутлов қўнғироқлари мўлроқ бўлганимгами, аллақачон дунё-нинг пасту баландига қўниқиб кетган одам, рост, шошиб-довдираб қолибман! Кўнгил се-зади, анчайин номига эмас, самимий изҳорлар эди бу. Баҳонада кўндан-кўп "қирқ йиллик" қадрдонлар-нинг овозини эшитганимизни айтинг. Демак, сизга қўшилиб ютуғингиздан қувондиган хайрихоҳ дўстлар, мухлислар кам эмас экан. Кўлни кўкракка қўйиб улар-нинг барчасига, шу йўла сизни бундай эъзозлаган элга таъзим қилмоққа бурчлисиз. Кулук!

Бу эътироф Ватанимиз истиқлолининг қутлуг чорак асрлик санасига боғланганию ана шу масъу-лиятли мудида мобайнида халқимизга бош бўлиб келаётган муҳтарам Исро Каримовнинг талаб-ан ва меҳрибон назари билан қувватлангани, айниқ-са, фахрлидир.

Бир машоийи айтган экан: "Ҳаргиз мансабу муко-фотнинг ортидан чопма. Агарки анга муносиб топи-санг, миннатдорлик ила қабул этгил-у, кўрмагандек бўлиб касб-корингиз қўлиб юравер". Ўғитнамо бу гап кўнгилга яқиндек. Миннат бўлмасин, қўлга қалам ту-тилган кўндан буён мудом ҳар не тамадан йироқ, эл-юртта манзур бўларли сўз топиш ташвишида юри-ди. Шўқри, шу йўлдан оғиб кетилмади, иншооллох, бу ёнига ҳам шундай бўлар.

Эътироф

Катта тўйнинг совринларию "то-бок"лари, совғаю эҳсонлари ҳам катта бўлади. Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик тўйида бизга ана шундай катта мукофотлар на-сиб этди. Озод ва обод Ватанимнинг, ҳукума-тимизнинг эътиборидан, эзгу ният билан қил-ган хизматларини юксак эътироф этиладиган бошим осмонга етди. Кўзларимдан севи-нч ёшлари тошди, юрагимда ҳаяжон ва шўқрона-лик туйғуларни жўшди.

Шундай юксак мукофот билан тақдирла-гани учун Юртбошимизга мингдан минг раҳмат. Ва-танимга, халқимга таъзим қиламан.

Бизнинг илк шеърлар ёзиб, газета-журнал-лар таҳририятларига югуриб юрган ёшлиги-миз ўтиш даврига тўғри келди. Умримизнинг навқирон палласида мустабид тузумнинг азобларини бошимиздан кечирганимиз. Мус-тақиллик қадрини ўз ҳаётимизда татиб кўрганмиз. Президентимизнинг "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди" деган теран мазмун-ли саволларига жонли мисоллар билан жа-воб бера оламиз. Мустақиллик йилларида ки-тобларимиз нашр этилиб, устозлар меҳри туфайли эл назарига тушди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилин-дик. Бугун ёш ижодкорларга давлатимиз раҳ-бари томонидан алоҳида эътибор қаратил-моқда. Ўсиб келаётган авлодга ҳавасимиз келади. Улар учун мамлакатимизда барча им-кониятлар эшиги кенг очик. Мен ҳам бугун унвон билан сийланиб, давлатимиз ғамхўрли-ги, халқимиз меҳридан баҳраманд бўлдим. Шу ўринда бизни ижодда ва ҳаётда қўллаб-қув-ватлаган устозларга, ёзган битикларимизни эълон қилишга оқ йўл бериб, ёш эканимизга қарамадан катта минбарларда шеър ўқишга чиқарган, мамлакатимиз бўйлаб ижодий са-фарларда ёнида олиб юрган, ютуқларимизга хайрихоҳ бўлган муҳтарам устозларимизга раҳмат айтаман.

Чорак аср қошида бир дам фикратга толдим, Мустақиллик йўлининг озод бир бекатида. Икки ярим асрдай тулолади у қадим, Мангулик бор бу йиллар ҳар лаҳза, фурсатида. Асрларга татиғулик кўнларнинг ҳар лаҳза-си халқимизни ватанимизнинг буюк келаже-га, ёруғ, порлоқ орузларимиз меҳварига, улуг режаларимиз атрофига яқдил, ҳамжиҳат қилиб турибди.

Ҳар бир халқнинг қувваи ҳофизаси, сало-ҳияти унинг сон-саногии ёки бўй-баста би-лан ўлчанмайди. Халқнинг нималарга қодир-лиги, шону шавкати унинг тафаккури, маъна-вий жасорати, бунёдкорлик ва яратувчилик қудратига намойён бўлади. Ана шундай муқад-дас кўнларда халқимизнинг теран томирла-рида қаҳрамонлик шахду шиддати жўш ура-ётганига гувоҳ бўлаёلمиз.

Яқинда ёш математикларнинг Синга-пурда бўлиб ўтган халқаро фан олимпиа-дасида ўзбекистонлик беш нафар истеъ-додли ёшлар олтин медални қўлга кири-



кечаги ўзбек эмас. Халқимизнинг фуқаролик позицияси ўзгача, Ватан тақдирига, ёруғ келажига дахлдорлиги ўзгача, интилиши, шаҳ-ди-шиддати ўзгача.

Олдимизда ўзбек адабиётини ривожланти-риш, истиқлол адабиётини дунёга олиб чи-қиш, дурдона асарларимизни хорижий тил-ларга таржима қилиш ҳамда адабий муҳит қўламини кенгайтиришдек улуг вазифа туриб-ди. Президентимизнинг Алишер Навоий но-

Энахон СИДДИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

ХАЛҚИМ ДЕЯ ОЧГИЛ КЎЗИНГНИ

тиб, дунё тамаддунига эшик очган улуг аждодларига муно-соти ворис эканликларини ис-бот этдилар. Қуни кеча бўлиб ўтган Ёзги олимпиадада ўзбек спортчилари ўз ғалабалари билан буюк ватанини юксак шараф, ифтихор рутбасига кўтардилар. Кураги ер кўрма-ган улуг аждодларнинг авлод-лари рингга кўтарилганда, ку-раш тушганда, гўё бутун ўзе-бекистонликлар баб-баравар майдонга тушиб, уларни ол-қишлаб, қўллаб-қувватлаб тургандай бўлди.

Шерурак пахлавонларимизга нописанд боққанларнинг гўлдирашларини мадҳиямиз-нинг жарангдор садолари босиб кетди. Бу, албатта, ўзбек фарзандларининг юрт-га муҳаббати, уларга сон-туз берган ватанга садоқати намунасидир.

Жаҳонга кўз-қўзласак арзийдиган гоёта нафис, бадий юксак адабиётимиз бор. Бугун адабиётимиз ҳам жаҳонга бўйламоқда. Ўзбек адабиётининг энг гўзал намуналари дунёнинг ўнлаб тилига таржима қилинмоқ-да. Дунё Мир Алишер Навоий шеърининг мислсиз сеҳри оғушида ўзбек адабиётининг илоҳий оламига кирмоқда. "Бобурома"дан тортиб, "Ўтган кўнлар"гача башар аҳли қал-бини забт этмоқда. Ортимизда барча соҳа-ларда тарих учун лаҳзалар саналган гоёта қисқа даврда ақл бовар қилмайдиган мўъжизакор, жаҳоний ғалабалар қўлга киритилмоқда. Озодликдан қадди, қадри юксалган ўзбек


мидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университе-тини ташкил этиш тўғрисида-ги Қарори бу борадаги эзгу ишларга истиқбол эшикларини очди.

Мустақиллигимизнинг улуг тўйи арафасида ижодкорлари-миздан 19 нафари бадий ижод соҳасидаги муваффақи-ятлари учун Юртбошимиз то-монидан юксак мукофот, унвон, орден ва медалларга сазовор бўлди. Бу, албатта, ижодкорла-римизнинг фидокорона, зах-

матли меҳнати эътироф этилгани, юксак ба-ҳолангани ифодаси деб ўйлайман. Бу ижод-корлар сафиди борлигим, юксак унвон билан тақдирланганим менга чексиз куч-қувват ва масъулият бағишлайди. Бу унвон қадим-қадимдан адабиёт, маданият бешигини теб-ратган Фарғона сарзамини сўз санъаткорла-рига, бугунги истиқлол адабиёти вакиллари меҳнатида берилган баҳо деб биламан.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами тантана қилаётган, дуолар ижобат бўлади-ган мувоқар кўнларда барча юртдошларим-га шу буюк Ватанга муносиб бўлиш бахтини тилайман!

Субҳи солиқ ватан, деб уйғон,
Халқим, дея очил қўзинг.
Ва кўксингизда қилиб турган
Байроғига босил юзинг.
Шўқлар де, гардини ўнгил,
Ватан дегил, ватан де, қўнғил!



Бу мукофот менга катта масъулият юк-лайди. Ватаним, эл-юртим учун гайрат би-лан хизмат қилишга ундайди, замондош-ларимиз ҳаётини ифодаладиган янги ба-дий-публицистик мақолалар, шеър до-стлар ёзишга илҳомлантиради. Халқим-нинг менга ижодкор сифатида билдирган ишончини оқлашга даъват этади.

Мустақиллик бошимдаги давлатим,
Ифтихорим, гурурим ҳам савлатим,
Аждодлар руҳи шод, бахтли авлодим,
Юрт бутун, юрт эртасига қулук!

Бахти гул очилган эл чиройи бу,
Истиқлол қўши, давлат ойн бу,
Озод ҳамда обод элнинг сойиби —
Юрт фарзанди, юрт эртасига қулук!

Ҳалол халқим ҳам мусавфо осмоним,
Ватан тарихида олтин замоним,
Мустақиллик — менинг олий унвоним,
Юрт сорбони, юрт эртасига қулук!

Истиқлол — орият, гурур ва қудрат,
Сув ва ҳаво каби ҳаётий қувват,
Муҳаббат мисоли илоҳий неъмат —
Улуг халқнинг хур ўлкасига қулук!

Носиржон ЖҲРАЕВ

ТОҚИЖТ ЕРДА ҚОЛМАТАЙ

1.

"Муножот" куйидай йўл топар дилга,
"Муҳаббат" сўзидай ёқимли бирам —
Истиқлол қалами кўчаркан тилга
Ватанга боғланган ёруғ хотирам.

Биз аҳда етганимиз ният қилдикми,
Тарих синовларини яширмоқ нега?
Жон чекиб олганимиз Мустақиллиқни,
Тагга чертиб эмас чикка-пуккага.

Демак, бу кўнларнинг ҳар лаҳзасини
Юракдан ўрганимоқ шартдир илмдек.
Юртнинг олам аро хур нафасини
Мумтоз оҳанг каби элга илдиндик.

2.

Байрамда кўчага қадаб чиқилган
Яшил байроқлардек ўтар дарахтлар,
Устидан бир сидра қараб чиқилган
Шеърларим сатридек қатор дарахтлар

Оралаб йўл олдим Тошкент — Наманган,
Отам дийдорига юрак шошган кез.
Мен билан ёнма-ёғ водий томонга
Бир тола нур каби елади поезд.

Тўғри, бу поезду темир изларни
Энди кўрганим йўқ, ҳайрон эмасман.
Бироқ Ватан, миллат деган ҳисларни
Шунчаки сўзловчи ҳавойимасман.

Марғилон атласи каби товланиб,
Чуст дўшидек мағрур турган тоғлардан
Шахрихон ничоғи янглиғ товланиб
Поезд келар водий, Тошкент ёқлардан.

Қўқон аробанинг гилдираклари
Гирчиллаб, майиниб ўтган манзилдан
Чин-Мочиннинг машҳур зар инаклари
Сингари бу поезд учди чиндан.

Бундан буёғига юк қолмас ерда,
Мактуб куттанлар ҳам интизор эмас.
Кечанинг қовоғи қолди хотирда,
Биз унинг раъйига энди зор эмас.

3.

Гўдак она исин ажратган каби,
Болари тошгандек инин беҳато,
Бу ҳаёт уларни мажлалтан каби,
Мен водий йўлига боғлиқман, илло



Кўриб арчазорни, қўлни, адирни,
Дейман, эл шу ерда эртак битганим?
Ялмоғиз қувганда Кенжа ботирини
Гоҳ тароқ, гоҳ ойна ташлаб ўтганим?

Тиловатта чўккан қоллар сингари
Қур ташлаб чўққ этмай ўлтирар тоғлар,
Бу ҳаёт уларни қанча синиди,
Мустаҳкам қалъадек бўлдилар тоғлар.

Фахрия

4.

Отабек олти кун юрган йўлларда
Согинч узун эди, ғам узун эди.
Хатлар сарсон эди ўзга қўлларда —
Қумуш маҳзун эди,
Қумуш хун эди.

Отнинг туёғига урилган ҳар тош
Менинг юрагимга кўчгану қотган,
Худди Қумушдан сўнг Отабек яккаш
Шу ерда тулпорини қичгану қотган...

Бугун зимистонни кўчлар кесди,
Юракда зулмат йўқ, дилда соя йўқ.
Қодирининг руҳи алқадди бизни,
Энди ўтмишлардан талх ҳикоя йўқ.

Поезднинг чароғон бир қуёсида
"Ўткан кўнлар" ўқиб бораётган қиз
Хўрсиниб қўяди, ҳамоно эсида
"Сиз ўшамми?" дея жон ўртаган сўз.

Севги ҳамоно ўша — лазиз ва буюк,
Ҳамоно интилади диллар дилларга.
Аммо мижжаларга тушмас энди юк —
Безиллаб боқмайди олс йўлларга.

Энди муҳаббатга ҳечдир масофа,
Кенг йўлдек очкидир кўнғил ва кучоқ.
Фақат юракдаги туйғулар соф ва
Сўнмас бўлса бўлди,
Ишқ — ғолиб мутлоқ.

5.

Қай ўлкалар йўли кета-кетгунча
Совуқ қурол,
Қора оғу бозори.

Демакки, бу юртда ғам-ғусса шунча,
Демак, бунда шунча оналар зори.

Тангри марҳамати, сарбон ҳиммати,
Халқнинг иродаси бир бўлса магар —
Дастурхондек очик Ватан суварти,
Йўллари нонбозор бўлар ҳаммага.

Наманган ширмони,
Қўқон патирини,
Айжон кучасидек мўтабар бўлган
Дўстлик учун тошга тирноқ ботириб
Бутун дунё сари йўл солдик улкан.

Биз Ватанини бошла,
Дўстни кинриқда,
Оллоҳни қалбларда тутиб келганимиз.
Недан зафар топсак — тоңдик бирлиқда,
Бу иқболини узоқ кутиб келганимиз.

Бемалол айланса томирда қонинг,
Юракка зарб тушмас, ҳаёлга ҳадик.
Қонтомири бўлган Ўзбекистоннинг
Темир йўллари, бас, удаладиқ.

Ўн тўққиз қақирим тоғ остидан йўл —
Мунчоқ тешигидан ил ўтказишмас.
Бу меҳнат залворин кўтарди шу эл,
Бу элга тоғларни кўтарини ишмас.

Энди бу масофа менга бир нафас,
Энди йўл азобмас,
Энди йўл — роҳат.
Бу поездлар мени урушга эмас,
Онам ҳузурига элгиди фақат!



Озодлик — бу шахснинг (миллатнинг) кимлиги, ким бўлгани, ким бўлажagini англаши ва шунга муносиб яшай олиши дегани. Кимлигини англаган инсонга(миллатга) озодликдан буюкроқ эътиқод йўқ. Озодлик ҳар бир шахснинг (миллатнинг) ўзлигини англайтиб, уни намоён қилиб турувчи исми — маъғидир. Кулнинг номи бўлиши мумкин, лекин исми бўлмайди. Шаън, кадр-киммат йўқ жойда ўзлик ҳам бўлмайди.

Гурур ҳам, шон-шараф ҳам, шаън ҳам, исм ҳам соҳибники бўлади. Шу туфайли ор-номуси, гурури, қадр, шаъни йўқларни кулга қиёс қилишди. Озод инсон, озод миллат ана шу нарсалар ўзиники бўлиши ва уни сақлаб қолиши учун жонини ҳам қурбон қилиши шарт бўлади — бу озодликнинг талабидир.

Шунинг учун мамлакатнинг мустақил бўлиши ҳар бир халқ учун шон-шараф. Мамлакатнинг мустақил бўлишига гувоҳ бўлиш, ана шу буюк жараёнлар ичида яшаш ҳам шараф. Истибоддан Озодликка эришган буюк тарихий эвришликларга гувоҳ, иштирокчи бўлганимизнинг ўзиёқ бизга шон-шараф бағишлайди. Озодлик, мустақиллиқни қанча авлодлар орзу қилди, шу йўлда жонлари қурбон бўлди, лекин Ватан мустақиллиги айнан бизга насиб қилди — бунинг ҳам ўзига хос ҳикмати ва масъулияти, шон-шарафи бор.

Дунёнинг барча бурчагиде давлатимиз байроғи ҳилпираяпти. Қаерда, қандай сабаб билан бўлмасин, мамлакат байроғи кўтарилса, бизда гурур ва ифтихор уйғонади. Она диёримиз ўзбекистоннинг чегаралари, сиёсий ва иқтисодий йўли дунёга маълум. Дунё биз билан ҳисоблашапти. Мустақил давлатнинг фукароси эканлимиз онгимиз, кўникмаларимизга сингишиб бўлди. 25 йил олдинги маънавий ва руҳий дунёимизни бутунги ботинимиз билан солиштиришнинг ўзиёқ истиқлол қанчалар буюк неъмат, буюк ҳодиса эканини кўрсатиб беради.

Бошқа соҳаларни қўя турайлик, 25 йил ичида яна асл ҳолига қайтарилган

Инсон ҳамиша ҳурликка, озодликка интилиб яшайди. Табииники, эркинлик инсоннинг аъмоли, ҳаёт мазмунини саналади. Дунёнинг ҳеч бир неъматини кишига озодликчалик гурур ва ифтихор бағишлай олмайди. Зеро, одам фақат эркинликдагина “Инсон” деган шарафга тўла маънода сазовор бўла олади.

Зиёратгоҳларга бориб, бу ерга зиёрат учун келаётган одамларни кўриб, мустақиллик қанчалар улуг неъмат эканини ҳис этасиз. Зиёратгоҳлар — шунчаки азиз авлиёлар хоки-туроби ётган жой эмас. Булар орқали тарихимиз, ўзлимиз, маънавий ва руҳоний дунёимиз зиёрат қилинади, улардан қучқуват олинади.

Назар ЭШОНКУЛ

ОЗОДЛИК МАСЪУЛИЯТИ

25 йил бурун кимларга таъзим қилиб, кимларга сажда қилардик?! Бу саволга жавобларини ўзиёқ биз нисбатларга эришганимизни айтиб туради.

Мустақиллик, аслида, миллат сифатида ўз қадриятлари, қаҳрамонлари, фазилатлари, қиёфаси, ўз маънавий тузуклари билан абадийлик саҳнасида яшаб қолиш дегани ҳамдир.

Мустақиллик — келажак, истиқбол учун кураш, ватаним, миллатим дейилган ҳар бир фукаронинг эртанги авлодларнинг ақлан, жисмонан, руҳан, маънан озод, ҳур ва қомил яшашлари учун қайгуриши, курашиши дегани.

Миллий ўзлигини англаган миллат Ватан, юрт, озодлик тушунчаларини теран англайди. Ва шу туйғу билан улғайган халқгина ўз озодлигини ҳеч нарсаси алмашмайди.

Инсон ҳурлигини, Ватан эркини куйламаган, унга хизмат қилмаган адабиёт эса адабиёт эмас, у бор-йўғи бадиийлашган тарғибот, яъни кимларнингдир, қайсидир кучларнинг қуроли, холос. Фаразли мақсадга ва қулиқка хизмат қила бошлаган адабиёт ўз моҳиятини ўша пайтдаёқ йўқотади. Адабиёт эркинликсиз яшай олмайди. Озодликни куйламаган ада-

биёт адабиёт бўлмайди, чунки унинг маъғи ҳурлик ва озодликдир. Буни “инсон озодлиги”, “миллат озодлиги”, “руҳ озодлиги” деб атаймизми, фарқи йўқ, адабиётнинг бош мавзуси ҳурлик ва эркинлик бўлиб қолавермади.

Лекин, афсуски, ўзини турли қучлар, ғоялар, таълимотлар, оҳанрабо жозибалар, ҳатто “маданият”лар ортига яши-

Адиб ва жамият

нинг эри хотини фарзанд қутаётганини эшитиб, ўзини бахтиёр ҳисоблайди. Иккинчи ҳикояда эса чимилдиққа кирганнинг учинчи куни қуёв ўлиб қолади. Қайнона-қайнота келинни “шумқадам” деб уйдан ҳайдайди. Келинчақ эса бошқа биров билан дон олишиб юради. Ундан тутилган чақалокни қуёвнинг ота-онаси “Болаимиздан ёдгор” деб келинчақни яна уйларига қайтариб олиб келишади. Учинчи ҳикояда қаҳрамонларнинг исловатхонадаги “саргузаштлари” ҳикоя қилинади. Тўртинчи ҳикояда бозорчи йигит олдин опаси билан, кейин синглиси билан дон олишади... Бу воқеаларни адиб олдий, кундалик воқеадай ҳикоя қилади. Турғи, адиб ҳикояни ғайр ниятда ёзган олмаймиз, лекин “оломон маданияти”да хос мавзунини миллий адабиётга олиб қираман деб, бевосита миллий маънавиятимизнинг туб устунларига дахл қилиб қўйганки, бу билан қилинган хатодан ҳам хавфлироқдир.

Киши билмас тарзда Бадиий Сўз воқеасида тарғиб қилинаётган бу хил “турмуш тарзи” тижоратчи-ёзувчилар ижодидагина эмас, тулпа-тузук адиблар ижодида ҳам ёмғирдан сўнгги қўзиқориндай кўпайиб бормоқда.

Эҳтимол, бу ҳолатнинг мавзумизга деярли алоқаси йўқдир?! Бироқ юқорида айтганимиздек, бу адабиёт эмас, балки “адабиёт” қиёфасида миллатнинг устуни бўлган қарашларига дахл қилиш, уни ўзгартиришга уринишдан бошқа нарсаси эмас. Миллатнинг маънавий устунларига дахл қилинаётгани, демак, мустақилликка, мустақиллик устунларига ҳам дахл қилинапти.

Бугун мустақиллик учун кураш ана шундай кўзга қўринмас жабҳага ўтди: айнан шунинг учун зиёилар, адиблар, ижодкорлар инсон қалбини, миллат руҳини, озодлик ва эркин, тафаккурни, миллий фазилатлар, миллий қиёфа, миллий ўзликни, инсонга муҳаббатни ана шу кўзга қўринмас жаҳлат “вируси”нинг асоратларидан сақлаб қолиш учун ўзини, истеъдодини, билими ва кучини сафарбар қилиши ҳам фарз, ҳам қарз. Бу бурч ва масъулиятни бир лаҳза ҳам унутмаслигимиз, бир сония ҳам беғарво бўлмаслигимиз керак. Адибларнинг бу борадаги хизматлари ҳам, масъулиятлари ҳам, бедорликлари ҳам давлат чегараларини қўриқлаётган аскарликдан кам эмас. Чунки улар миллат қалбини, руҳини, савиясини, тафаккурини, динини, маънавиятини, демократ, унинг эртасини ва озодлигини ҳар лаҳза, ҳар сония ҳимоялашни талаб қилаяпти. Озодлик масъулияти, озод яшаш шарафидан ҳар бир фукародан шунини талаб қилаяпти. Бу ўзини шу халққа мансуп деб билган, шу халққа тақдирини боғлаган, унинг эртанги қунига бефарқ бўлмаган ҳар бир озод мамлакат ижодкорларининг энг биринчи бурчи ва вазифасига айланиши керак.

БАҒИШЛОВ

Момом сўзларидан қўқсим
Тагин бўйи райҳон бўлди,
Юрагига қўл солгандим,
Бармоқларим алвон бўлди,
Бобом йўлларидан юриб
Бормоқларим аён бўлди.
Она Шарқ уйғотди руҳим,
Манзил кўнгил томон бўлди.

Ҳам ёнар, ҳам ёндирар тенг
Тутсам муҳаббат хомаси,
Кўзга суртилди ёқа-енг,
Салоқатимнинг жомаси.
Бир юрт борки, бу юртда мен
Тондим юлдузлар номасин,
Оёғим ердан узилмай,
Мудом бошим осмон бўлди.

Шамшир ухлар асотирда,
Забонларид энди тигдай,
Томирларда қон-ла бирга
Гурур оқар ҳайқирқидай.
Ўхшаб гўё олтин кирга,
Ўсиб борар қирмон, бўғдой,
Одамларнинг орасида
Меҳр оби раво бўлди.

Қушлар кездилар ўлкамини,
Наво айлаб сайрон учиб,
Тушлар қўрқилар ўлкамини
Гулар абри найсон ичиб,
Ахтариб келди ўлкамини
Еллар қанча доvon кечиб,
Мен бахт элиданман, десам,
Аҳли жаҳон ҳайрон бўлди.

Ишқ дебон бош кўтарган бир
Жаннатдаги чашмадирман,
Меҳрлирман бошдан охир,
Муҳаббатга ташнадирман,
Салоқатга мудом қодир
Ошиқларга ошнадирман,
Кечати хазоирез маскан
Бугун ўзга бўстон бўлди,
Менинг учун еру осмон
Бу кун Ўзбекистон бўлди...

Юлдуз ЎРМОНОВА,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти соҳибаси

Шодмон ОТАБЕК,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
қўрсатган маданият ходими

ҚАДР ВА ҚАДРИЯТ

Ҳаётимизда шонли саналар бисёр. Бироқ биз учун энг улуг, энг азиз айём Мустақиллик байрамидир. Чорак асрлик Мустақиллигимиз қирчилла-май йигит ёшида. Тарихан қисқа вақтда эришган оламшумул ютуқларимизга бутун жаҳон гувоҳ бўлиб турибди.

“Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир”, деб таъкидлаганди муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов.

Мустақилликнинг моҳияти, қадр қимматини теранроқ англаш, ҳис қилиш учун, аввало, тарихни, яқин ва узоқ ўтмишни яхши билиш лозим. Дарҳақиқат, ҳамма нарсаси қиёланганда билинади. Ўзбекистон муҳим саноат хомашёси — пахта етиштириш бўйича дунёда олдинги ўринларда бўлсада, собиқ марказнинг: сенларни биз боқаямиз, биз “дотация” бермасак оч қоласан, деган мин-

натли иддаоларини ҳали унутганимиз йўқ. Аҳоли энг оддий, элементар ҳақ-хуқуқлардан ҳам маҳрум эди. Колхозчиларга паспорт берилмасди, мош ҳам тўланмасди. Ҳозир кўчаларда ахён-ахён кўриниб қоладиган “Жигули”, “Москвич” машиналарини олиш учун одамлар йиллаб навбатда туришарди. Уйда магнитофони, телевизори бор кишиларга ҳамма ҳавас қиларди. Эсимда, қишлоғимизда фақат раиснинг уйда телеви-зор бор эди, оқшом пайти унинг уйи кино-театрга айланади.

Маънавият ва қадриятлар борасида аҳвол бундан ҳам янгли эди. Буюк сиймоларнинг меросини ўрганиш у ёқда турсин, уларнинг номларини тилга олиш ҳам мумкин эмасди. Қадиمنى Наврўз байрами ва диний маросимларни ўтказиш ҳам таъқиқланганди. Она тилимиз камситиларди.

Мустақилликнинг нақадар буюк неъмат эканини теран англаш учун ҳам юқорида қисман тилга олинган таъйик, таъқиқларни унутмаслик керак. Кекса ва ўрта авлод вакиллари шўро сиёсатини ўз кўзлари билан кўришган. Ҳар қадамда дуч келинадиган турли адолатсизликларнинг аламини

Қамчибек КЕНЖА,
“Меҳнат шўхрати” ордени соҳиб

ТАБАРРУК ТУЙҒУ

Мен ёруғ дунё жаннати — жонажон Ўзбекистоннинг шарқий қирғоғида — вазмин Қорадарё билан асов Тентақсой ораллиғида — пойтахтдан, вилоят марказидан ҳам чеккароқда жойлашган, аммо мен учун жуда азиз ва қадрли Гуркуров қишлоғида яшаб, баҳоли қудрат қалам тебратиб, эътибор, эътирофларга сазовор бўлиб юрганамга шукроналар айтаман. Қалам ахлига хос муштарак жиҳатлар кўп, лекин менинг наздимда, уларнинг энг аҳамиятлиси, тош босадигани, шубҳасиз, Ватанга муҳаббат туйғусидир.

Бошқа асоҳ, бошқа жабҳа вакилларино сола камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, сув балиқ ҳаёти учун нечоғли зарур бўлса, ватанпарварлик ижодкор учун шу қадр муҳимдир. Бу туйғу унинг қон-қонига сингиги кетган десак ҳам янглишмаймиз. У ўзининг асосий нияти, вазифасини китобхон-қувчиларда ўз юрти, эли, миллатига муҳаббат, эътиқод уйғотишдан иборат деб билади. Ватан эса ҳеч қачон ватанпарварликни қадрламай қўймаган. Зеро, ижодкор бу туйғунинг ҳар қандай ҳазинага алмаштирмайди.

Шахсан мен бу табарруқ туйғунини ҳамиша, ҳусусан, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция таркибиде хорикда юрганамда ва айниқса, она диёримизга қайтаётганимизда, Ватанимизнинг муътабар, муқаддас тулғоғига катта ҳаяжон билан, орақларимиз ҳақиқиб кириб келган чоғларимизда

жуда яққол ҳис этаман. Зеро, тоғнинг юксаклиги, маҳобати узоқдан яхши кўринганидай, ватан соғинчи, ватан қадр, унинг нақадар улуг, нақадар қутлуг ва нақадар тоғли неъматлиги ундан олисда, мусофирчиликда янада равшан, янада мукамал сезилишини бу ҳолни бошдан ўтказганлар яхши билади. Ўз салоҳияти, илми, ижодини Ватани равақи, халқининг бахт-саодати йўлида бахш этганларнинг меҳнати беиз кетмаслигига бугун ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзбекистондай буюк Ватан фарзанди, мана шундай бебаҳо ва бетакорр диёр хизматига камарбасталик макомига мушарраф бўлишнинг ўзи олий бахт, шундай мамлакатнинг юксак мукофотларига муяссарлик эса янада улуг саодатдир. Тақдирловлар бепояён ўлкамизнинг барча ҳудудларини, қарийб ҳамма соҳани қамаб олиши эса қуёш барчага баробар, деган ҳикматта мувофиқдир.

Арафа азалдан бежиз муборак айём ҳисобланмаган. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафаси Ўзбекистонга, каминанинг юрти Андижонга янада қутлуг, янада омадли келди. Рио-де-Жанейрода Руслан, Ҳасанбой каби олимпиадачи шукронларини томонидан баланд кўтарилган мустақил Ўзбекистон Байроғининг нафақат Бразилия, нафақат Жанубий Америка, балки бутун жаҳон узра қайта-қайта ҳилпираш ўзбек халқининг, унинг ватанпарвар, қуч-қудратли, пахлавон ёшларининг ҳеч қимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини олам ахлига яна бир қарра баралла ва янада ишончлироқ намоёиш этди. Камтарлиқдан андак чекиниб айтсам, ўша омадларнинг бир учқуни каминига ҳам насиб қилган экан.

Мукофот-ку ҳаммага ҳаммаша қувонч, фахр-ифтихор бағишлайди,

албатта, аммо тобора пойдор ва барқарор бўлиб бораётган Ўзбекистони-миз, давлатимиз мустақиллигининг чорак асрлик тўйи шарафига, халқимиз ҳурлигининг рамзи сифатида таъсис этилган нишонларнинг қўсингизда ярқираб туришини тасаввур қилиш нақадар хузурли, нақадар гурурли!

“Мукофот” сўзининг ўзиде илқлик, ёқимлилик, кўтаринкилик муҳассам, ундан яна эзгулик, музаффарлик ифорулари уфуриб туради. Бу ифор қишди бўлади. Андақ қониқаш, атрофдагилардан, хайрихоҳлардан, баланд ҳимматлардан


миннатдорлик, шукроналик ҳисларини кўштиради, ўз имкониятларини янада қўпроқ юзага чиқаришга эришиш, изланиш иштиёқини пайдо қилади, мукофот соҳибга агар ижодкор бўлса, унинг томирларида қон гупириб, ён-вериде илҳом санамлари навозиш қила бошлайди. Чунки ҳақам томонидан қўли юқори кўтарилган боксчи ўша заҳоти бир неча йиллик оғир машқлар, курашлар заҳмати, рақиб муштлари зарбини, оғринини унутганидай, илқ сўз ё сийлов ҳар қандай қасб эгасининг чеккан риязату машаққатларини хотирасидан бир зумда ўчириб юбориши тайин.

Аслида, қаламим қанча тиришмасин, замон шиддатидан, мамлакатимизнинг дўри сари, тарқийёт сари ташлаётган алпона қадамларидан ортда қолаётганидан, давримиз қаҳрамонлари фидо-корликларини хатлаб улғуролмаётганидан, улғурмаётганидан ва бунда тилим,

тафаккурим ҳаяжонларим, завоқ-шавақларим қишда лолу ҳайронлигидан хижолатда-

ман. Пойтахтда, вилоятларимиз марказ-ларида, ҳатто чекка қишлоқларда хорикий сайёҳлар ва бошқа расмий меҳмонларинига эмас, ўз элимизини ҳам ҳайратга солаётган қандай улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга қайтарилаётган-а! Бобур Мирзо, Чўлпонлар диёри Андижонда уларнинг номи, шон-шарафини, маънавий қадрларини эъзозлаш борасидега сайёҳаракатлар қанчалик таҳсинга сазовор! Шаҳарнинг Соғузор мавзёида жойлашган нисбатан оловқор қор ичидаги Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳайкалининг қор қираверишига — гажум айлана йўл рўпарасида янги, Истиқлолимизнинг 25 йиллигига туҳфа сифатида барпо этилган ва шоир номи билан аталган хиёбонга олиб чиқиб ўрнатилиши ўша ҳудуд қиёфасини очиб, шаҳарнинг қўрғига қўқ қўшди, айни чоғда, мустақиллиқни орзулаб ўтган буюк адбимиз эркинлигу хуррият неъматидан баҳраманд, истиқлол завқи-сурури билан яшаётган олма олдида бутун қадибасти билан намоён бўлди ва унинг кенг қўрғигага шамол янада қўпроқ, янада яхшироқ тега бошлади.

Президентимиз Фармонини ўқиган онларимизда ўзбек адабиётига янги замон руҳини олиб кирган, ҳурфчирилмиги, миллий адабиётимизни юксалтириш соҳасидаги буюк хизматлари, жасоратлари Мустақиллик шарафати билан тақдирланган Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир ва бошқа мустақиллик ҳаракати қурбонларининг руҳлари ҳам бошқа жабҳалар қатори адабиётга, маънавиятга юксак эътибор берилаётганидан шод бўлаётганидан деган ҳаёл кишига хотиржамлик бахш этади. Бинобарин, камтарона иқдомини, меҳнатини шундай баҳога муносиб қўрганлар — Президентимиз олдида, халқим, Ватаним олдида ўзимни қарздор ва бурчли ҳисоблайман.



деган сатрлари оғиздан-оғизга кўчиб юрган. Истиқлол соғинчи, юртимизнинг мустақил шўро ҳукуматига тобе экани Аскарнинг шахсий дарди эди, юрса-турса шу ҳақда изтироб билан ўйлар, азовларан эди... Қанидй, раҳматли шу дорилармон қунарни кўрса эди, дея армон қиламан.

Сир эмас, гарчи истиқлол орзуси қўччиликнинг дилида бўлса ҳам бу тилақни тилга қўчириш осон эмасди. Не бахтки, халқимизнинг бошига бахт қуши қўнди. Халқимиз ўз тарихида энг олий саодатга эришди. Мустақиллигимиз адабий бўлсин, унга кўз тегмасин!

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ



“Хар нарса йироқдан кўринар аён”, деб ёзади шоир. Дарҳақиқат, шундай. Дейлик, муаззам бинонинг маҳобати, қўламини, виқорини кўриш, ҳис этиш учун масофадан қараш мақбул бўлгани каби, ҳаётимизда юз берган воқеанинг асл мазмун-моҳияти, аҳамияти, ҳақиқий қимматини англаб етиш, чун қалбдан фахр-гурур, ифтихор туйғуларини тийиш учун муайян вақт талаб этилади.

Албатта, истиқлол йилларида ўзлимизда, онг-шууримизда, тафаккуримизда кечган ислохотлар, жамиятимизда, турмушимизда юз берган эвришликлар ҳусусида бугун, чорак асрлик доводнда туриб қўп ва қўб гапириш мумкин ва бунга ҳақимиз

Эътироф

ҳам. Бироқ орқига сўзбозликдан ўзимизни тиямиз, илло юртга, элга нисбатан асл эҳтиром, муҳаббат аксар ҳолларда тилда эмас, дилда бўлади, ҳудда-беҳудага ошкор этилавермайди. Аммо бир ҳақиқатни эътироф этиб ўтмасак бўлмас: Истиқлол йилларида янгила дунёқарашга, янгилаган маънавиятга эга, таъбир жоиз бўлса, иззати жойига қўйилган халқ шаклланди. Ўзлигини англаган бундай халқ эса мўъжизалар яратибди қодир.

Куни кеча илмий нашрлардан бирида ўқиб қолдим: демографларнинг тадқиқотларига кўра, ҳар йигирма беш йилда бир авлод алмашаркан. Демак, фан нуқтаи назаридан қараганимизда ҳам мамлакатимизда буткул янги авлод воғга етди. Шаксиз, ёшларга нисбатан биз, шўро даврини кўрган авлод учун “Кеча ким эдинг бугун ким бўлди” деган саволга жавоб бериш нисбатан осон. Зеро, биз мустақил тузумнинг давлат микёсида олиб борган мафкуравий таъйиқининг, минг йиллик қадриятларимиз оёқрости этилганининг, шонли кечмишимиз сохталаштирилганининг шохиди бўлди; инсоният осмониде юлдуз бўлиб порлаётган не-не даҳоларимизнинг бебаҳо меросидан маҳрум этилди... Санаверсак, таракқиётимиз суръатига илдиқсиз чирмовқудай ёпишиб олган ўша иллатларнинг адоғи кўринмади. Энг қизиги, уларнинг айримларини айтиб берсак, бугунги авлодга чўпқандай туюлади. Эҳтимол, ёшларимизнинг бахти ҳам шундайдир.

Зеро, мустақилликнинг энг муҳим қадриятларидан бири, аввало, жамиятда барча учун тенг имкониятлар яратилган. Ҳаётда нимагадир эришмоқчимсан, марҳамат, ҳаракат қил, излан, интил, ўқи-ўрган. Атрофга қарасак бундай имкониятлардан уқув билан фойдаланганлар, фойдаланаётганлар сон-саноксиз эканлигини кўраимиз.

Ҳаётда яна бир аксиома борки, кўп нарсаси солиштиришда, муқоясада намоён бўлади. Дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бирининг пойтахтида бўлди. Меҳоблар шаҳар харитасини кўрсатишиб, чекка ҳудудларга бормаслигимизни маслаҳат берилади: “У ерларда юз доллар учун ўлдириб кетишлари мумкин”. Бу қанақаси? Демократик мамлакатда-я? Изох ғалати бўлди: “Энди улар шунча... Биз уларга тегмаймиз...” Ваҳоланки, бундай иккиюзламчилик сиёсати қандай аянчи оқибатларга олиб келишини Европанинг айрим давлатлари мисолида кўриб турибмиз.

Шундай пайтлари беихтиёр қўнгилдан шукроналикка уйғун ўйлар ўтади: юртимиздаги тинчлик-оёйишталлик, хотиржамлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, бугунги ва эртанги кунга собит ишончининг ўзи энг катта бойлигимиздир. Зеро, юрти тинч, ҳаловатли элнинг баҳори ҳам, ёзи ҳам, кузико киши ҳам, қўйинки, ҳар бир кун фазил-тароватли бўлади.

Бундай эл учун, бундай юрт учун виждонан меҳнат қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Меҳнатларимиз эътибор топаётган, юксак унвонларга лойиқ қўриллаётгани эса бизни янги марраларга чорлайди, ижодий ютуқларга рағбатлантиради. Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг пурҳикмат байтларидан бири ёдга тушади:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзингга кўпрак дурур.

Гавҳар **ЗОКИРОВА**,
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти

УЛУҒЛАРГА ЁНДОШИБ

Инсон ҳаётида шундай дамлар бўладики, умрининг ҳар қандай фаслида ҳам юрагини машаққатли ёри-тиб, уни эзгу амалларга қорлаб тураверади. Шу йилнинг 25 августи ҳаётида ана шундай кун бўлиб қолди.

Мендек актрисанинг камтарона хизмати Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан шундай юксак унвон билан тақдирлангани ҳақидаги хушхабарни матбуотда ўзим ўқиб чиққанда хурсандлигимдан йиғлаб олдим ҳам.

Эрталаб газетани ўқиб бўлгандан сўнг, энг аввал Жамшид ака, Ботир ака ва бошқа қадрдонларим абадий макон тоғлан қабристонга бордим. "Жамшид ака, азизларим, сизларга муносиб ёр ва келин бўлганимни кўролмаганларинг учун ўқиниб ўтаман, дедим кўзда ёш билан. Лекин олдингизда юзим ёруғ, кўнглим хотиржам эканидан бахтлиман".

Қадрдон театримга қадам қўйгач, ҳамкасбларимнинг самимий табрик-лари, қалб сўзларидан бошим осмонга етди. Шундай жамоада ишлаш бахти насиб этганидан тақдиримдан миннатдорман. Ўзбек Миллий академик театрида ким мен билан бирга ишлаган ва ишлаган бўлса, менга берилган унвон ҳаммамизнинг, бутун жамоанинг ютуғи, деб биламан. Қолаверса, бизнинг муваффақиятларимизда шу саҳнада ижод завоқни сурган улуғларимизнинг, устозларимизнинг хис-саси бекиёс.

Театр актери бир ўзи ҳеч нарса қилолмайди. Чунки театр — жамоа

санъати. Саҳнадошларим бор экан, мен ҳам борман. Шунингдек, ҳамкасбларим, саҳнадошларим Зухра Ашуровага "Ўзбекистон халқ артисти" унвони берилиши, Эркин Комиловнинг "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланиши Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг Миллий театримизга, санъаткорларга юксак эътибори, деб биламан.

Санъаткор оилага келин бўлиб тушганим, Жамшид Зокировдек одам билан оила қуриб, бир саҳнада ижод қилганим — менинг бахтим. Қолаверса, Оллоҳ менга ўзбек миллий театри асосчиларидан бири, актёр, драматург, профессор Абдулла Авлонийдек мўтабар зотнинг эвараси бўлиш бахтини насиб этганидан бир умр фахрланиб яшайман.

Сўнгги йилларда театр спектакл-ларида турли характердаги роллар ижро этишдан таш-қари, вилоятларда сафар-ларда бўлиб, кўплаб учра-шувлар, тadbирларда қатнаш-пман. Одамларнинг эртанги кунга ишончи-ни, она юртга мухаббатини кўриб, яшагинг, ижод қилгинг келади. Насиб этса, мухлисларни яхши-яхши ролларим билан хушнуд этиш, театр саҳнасида бир-биридан меҳнаткаш, юртга, фарзандларга фидойи она-лар образларини яратиш ниятида-ман.

Халқни эъзозлаётган, осмони му-саффо, дастурхони тўкин, фарзанд-лари бахтиёр юрда яшаш ва ижод қилиш ҳар қандай санъаткор учун улуг бахтдир!

Нуриддин **АМИНЖОНОВ**,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

САНЪАТ ЙЎЛИДАМАН

Юртимизнинг энг улуг байрами арафасида матбуотда эълон қилинган Президентимиз Фармони маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Тақдирланган ҳамюртларимиз қатори-да юксак мукофотга муносиб қўрилганим ҳуку-матимизнинг бизга катта эътибори, қолавер-са, мустақиллигимиз шарофати, бизни улуг алломаларимиз руҳининг қўлагандидир. Бу юксак мукофот нафақат менинг, балки мен билан ҳамкор, ҳамқадам сафдошларим фао-лиятининг эътирофидир.

Мустақиллик катта имкониятлар берди: адабиёт, журналистика, бахшилар ижоди ва умуман, халқ ижодиёти, миллий мероснинг тадқиқ этилиши, ҳолисона баҳолалиши биз-га куч-қувват бахш этди. Хали олдимизда катта ишлар турибди. Бу бора-да сафдошларимга, шогирдларимга, ёшларимизга куч-қувват, муваффа-қиятлар тилайман.

Бутун фаолиятимни адабиёт, санъат, бахшилар ижодини ўрганишга, хал-қимиз орасида тарғибот қилишга бағишладим. Кўплаб мақола, рисоаларим чоп этилди, санъат ривожига қаратилган телекўрсатувларни тайёрлашда иш-тирок этиб келяпман.

Бутун дунёга намуна бўларли адабиётимиз, санъатимиз бор. Шундай кутлуг кунларда ҳамюртларимизни яна бир бор улуг айём билан табриклайман.



ҚАЛБ КЎЗИ БИЛАН

Бадий академиянинг кўргазмалар залида очилган "Ўзгал ва бетакрорим-сан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" номли кўргазма мустақиллигимизнинг 25 йиллиги ҳамда "Соғлом она ва бола йили"га бағишланди.

Унда турли йилларга мансуб ижодкорлар-нинг тўрт юздан ортиқ асарлари намой-иш этилмоқда. Тасвирий санъатнинг таниқли намоёндалари Малик Набиев, Қутлуг Башаров, Саъдулла Абдуллаев-лар билан бирга Анвар Мирсоев, Акмал Нур, Гофур Қодиров, Хуршид Зиё-ёнов, Файзулла Аҳмадиевларнинг асарлари миллий анъаналарга бўйлиги

билан томошабинларда қизиқиш уй-ғотмоқда. Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижод наму-налари ҳам мутахассислар, рассомлар эътиборини тортиди. Кўргазма доираси-

да Ўзбекистон халқ устаси Маҳмуджон Мамажоновнинг оилавий кўргазмаси билан ҳам танишиш мумкин.

Пойтахтимиздаги Халқаро маданият харвонсаройида Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан Аҳмад Бо-боевнинг "Умр лаҳзалари" номли кўргаз-маси очилди. Кўргазмадан рассомнинг турли мавзуда чизилган олтимшидан

Кузнинг илк куни — 1 сентябр халқимиз учун энг сеvimли ва унутилмас сана. Бу йил, айниқса, ушбу сананинг қадри беки-ёс: Ўзбекистон мустақиллигига чорак аср тўлди. Утган 25 йил ичида юртимизда иж-тимоий-маданий ҳаётнинг барча соҳалари-да, жумладан, театр ҳаётида ҳам катта ўзга-ришлар юз берди. Бунга ўзим ижод қилаёт-ган Алишер Навоий номидаги давлат ака-демик катта театри фаолияти яққол мисол бўла олади.

Мана бир йилдирки, бизнинг катта жамо-амиз қайта таъмирланган тарихий бинода кизгин ижод билан банд. Жамоанинг барча аъзолари мавсум давомида том маъ-нода ўзларини сафарбар қилиб ишла-дилар. Р.Абдуллаевнинг "Садоқат", С.Вареласнинг "Оловуддиннинг сеҳр-ли чироғи", С.Рахманиновнинг қайта



Андрей **СЛОНИМ**,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби

ИЗЛАНИШ ДАВРИ

тикланган "Алеко" опералари, А.Аданнинг "Жизел" балети шу ижодий из-ланишлар самарасидир. Ушбу спектаклларда тажрибали солистлар бил-лан бирга ёш ижрочиларнинг саҳнада бирдек маҳорат кўрсатиб рол ижро этганлари жамоамизнинг ютуғи, деб ўйлайман.

Шахсан ўзим режиссёр сифатида истиқлол йилларида ҳукуматимиз-нинг опера ва балет санъатида эътибори ва ғамхўрлигини ҳамиша ҳис этиб турдим. Чорак аср мобайнида бошқа кўплаб асарлар қатори ўзбек саҳнасида Моцартнинг "Сеҳрли най", Доницеттининг "Лючия ди Лам-мермур", Стравинскийнинг "Мавр" операларини, "Евгений Онегин" ва "Шоҳ қайлиғи" операларининг янги талқинларини яратганимиз-

дан, буюк композиторлар ва хонандлар концертини ташкил этганимдан бахтиёрман. "Тошкент баҳори"га ўхшаш халқаро опера ва балет фестиваллари юртимизнинг ис-теъодли ёшларини кашф этди. Бу анжуманларда таниқли чет эл хо-нандалари ҳам қатнашди. Шу ўринда операмиз юлдузи Муассар Раззо-кованинг икки кун давом этган бетакрор гала-концертини алоҳида тилга олиб ўтишни истардим.

Энг қувонарлиси шундаки, Ўзбекистон опера ва балет санъати ис-тиқлол йилларида бутунлай ўзгача замонавий қиёфа касб этиб, жаҳон саҳналарида ўз ўрнига эга бўлиб борапти. Биз санъаткорлар эса ҳами-ша Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигини ҳис этиб туриб-миз. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз арафасида Президентимиз Фар-монига кўра мукофотланганлар қатори менинг ҳам "Ўзбекистон санъат арбоби" унвонига сазовор бўлганим, ҳамкасбларимдан Фазлиддин Ёқуб-жонов, Маъсума Болтабоева, Кирилл Барчанинов, Елена Шавердова-ларнинг юксак унвон ва мукофотлар билан тақдирлангани бунинг ёрқин далилидир.

Бундай эътибор барчамизни мамнун этиш билан бирга, зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

Асосий вазифамиз ўзбек опера ва балет санъатининг бундан буён ҳам ривожланиб, жамоамиз жаҳоннинг етук опера театрлари қаторидан ўрин олиши йўлида изланиш ва ижод қилишдир.

Истиқлолимизнинг кутлуг тўйи барчамизга муборак бўлсин!

Маълумки, 1997 йили «Ўзбекракс» бирлашмаси қошида **Хоразм рақс мактаби ташкил этилган эди. Шу кунга қадр мазкур даргоҳдан етишиб чиқаётган ёш ва истеъодли рақ-қосалар қадимий хоразм рақсини, юртимиз ва дунё саҳна-ларида намойиш этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлмоқда.**

Мазкур даргоҳда кўп йиллардан буён меҳнат қилиб кела-ётган устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, ансамбл бош балетмейстери Гавҳар Матқубова билан суҳбатимиз жамоа фаолияти ва миллий рақс санъатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Салкам 60 йилдан буён рақс ҳаётим мазмунига ай-ланган, — дейди суҳбатимиз бошида Гавҳар опа. — 2010

йили шаҳарнинг энг хушманзара жо-йида Хоразм рақс мактаби учун бино қуриб берилди. Бу ерга рақсга ихло-си банд қизларни тўпладик. Иши-миз юришиб кетди. Қизларим — шо-гирдларим республика миқёсидаги турли кўрик-танловларда ғолибликни кўлга кирита бошлади.

Йигирма йилга яқин вақт ичида мазкур мактабда кўплаб шогирдларим миллий ва дунё халқлари рақслари-нинг сир-асрорини ўрганиб қолмас-дан, Наврўз ва Мустақиллик байрам-лари, «Шарқ тароналари» фестивали, юртимизда ўтаётган барча тadbиру тантаналарда ҳамда мамлакатимизда халқаро миқёсда ўтказиладиган кон-церт дастурларида фаол иштирок этишмоқда.

Ҳиндистонда ўтказилган "Маҳат-Шоу — 99", Япония мумтоз ашула ва рақс фестивалида, Сеулдаги "Экспо-2001" тadbирида, Бельгия фольклор рақс фестивалида, 2007 йил Малайзияда ўтказилган Жаҳон ёшлари фестивали-да, 2010 йил Жаҳон туризм фестива-лида, Исроил, Португалия, Испанияда-ги фестивалларда ва бошқа халқаро миқёсдаги тadbирларда Хоразм рақс-лари билан иштирок этиб, юқори на-тижаларни кўлга киритишга муяссар бўлдик.

ортиқ рангтаъсир ишлари ўрин олган. "Олча билан учрашув", "Охирги хурмо", "Мушиқ", "Одам Ато ва Момо Ҳаво" сингари ишларида аёлларнинг ўзига хос дунёси, табиат билан уйғунлиги ақс эт-ган. Рассомнинг "Судейна", "Авесто", "Эркин қушлар" каби қатор филмларга чизган ишлари ҳам томошабинлар то-монидан эътироф этилмоқда.

Тасвирий санъат галереясида "Ме-нинг ўлкам" номли кўргазма очилди. Экспозициядан Дилмурод Ўйдовшев, Дилором Мамедова, Абдуҳаким Каримов, Рустам Жамоловларнинг янги ижод намуналари ўрин олган. Муаллифларнинг Она Ватанга меҳр-муҳаббат, табиатдан илҳомланиб, яратган асарлари томошабинларга манзур бўлмоқда.

С.ҚОСИМОВА

"MOZIYDAN SADO"

2016 йил, 3-сон

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган журнал-нинг асосий ғоявий йўналиши Пре-зидентимиз Ислам Каримовнинг "Ай-нан мустақиллик топталган қадрият-ларимизни, дину диёнати-мизни, ору номусимизни тиклаш, ўзигимизни ан-гаш, халқимизнинг орзу-ин-тилишларига, миллий ман-фаатларига жавоб беради-ган келажагимизни куриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақла-ниб қолажак", деган сўзла-ри асосига қурилган.

Б.Сайфуллаевнинг "Мус-

Хар йили мустақиллик байрами арафасида Ватанга, халққа хизмат қилган юртдошларим, ҳамкасбларим юксак мукофотлар билан тақдирлан-ганида уларнинг юзидан қувонч, кўзла-рида сурурни кўрардим. Лекин ўзин-гизда ана шундай ҳис-туйғуларни ке-чириш жуда бошқача бўлар экан. 25 авгу-стнинг эрта тонги қал-



Зайниддин **ФАХРИДДИНОВ**,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР

бимга бир олам шодлик ва қувонч билан кириб келди.

Кўп йиллик ижодий ва педагогик фаолиятим ҳукуматимизнинг юксак унвонига муносиб қўрилганидан бо-шим осмонга етди. Одамлари азиз юрдада яшаётганимдан фахрландим. Биринчи навбатда, Абдулҳақ Аб-дуллаев, Раҳим Аҳме-дов каби бебаҳо устоз-ларим кўз олдимдан ўтишди. Устозлар ўғи-тига амал қилиш, улар-нинг сабоқларидан те-гишли хулоса чиқариш ижодкор учун қанчалар муҳим омил эканини яна бир бор мам-нуният билан

юртларида педагогик қилдим. Айни пайтда Камолиддин Беҳзод номида-ги Миллий рассомлик ва дизайн ин-ститути дастгоҳли рангтаъсир кафедр-аси доценти сифатида талабалар-га сабоқ бериб келяпман. Ёш ижод-корлари Ватанга, унинг тарихи ва қадриятлари-га, келажагига муҳаббат руҳида тарбиялаш иш-ига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Менга берилган юксак унвон институтдаги ҳам-касбларим, барча рассом дўстларимга берилган мукофот ҳамдир. Муко-фот зиммамдаги масъу-лият юқини янада зал-ворли қилди, кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Шу кунларда

бошлаб қўйган "Бағишлов", "Назар", "Тоқат", "Нафс" каби қатор фалсафий асарлар туркуми устидоги ишларни давом эттираяпман. Шунингдек, юр-тимиз дувруғини дунёга ёйишга қодир рассомлар етиштириш ишига муносиб улус қўшишни ният қилганман.

Истиқлолнинг навқирон ёштини ни-шонлаётган қадимий юртимнинг одимлари бундан ҳам залворли, одамлари бундан ҳам бахтиёр бўли-шини тилайман.

ёдга олдим.

Ижодий фаолиятимни ўтган аср-нинг 70-йилларида дастгоҳли ранг-таъсир йўналишида бошлаганман. Ўшандан буён тарихий, маиший мав-зуларда, портрет каби жанрларда кўплаб асарлар ишладим. Айниқса, Муқанна кўзгалонига бағишланган, буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ақс эттирилган асарла-рим кўпчиликлари манзур бўлганида, кўнглим тоғдек кўтарилган.

Ижод билан баробар бир қатор ўқув

дилар. Шогирдларим билан "Орол фарёди", "Лазги афсонаси", "Орази-бон", "Дарпанма", "Лазги тарихи", "Алиқамбар", "Норим-норим", "Юз бир", "Уфори", "Уфори бузрук" каби эриклардан ортиқ рақслар галдастаси-ни меҳнатлари мўжассам.

— Сиз яратяётган рақс-ларда қадим Хоразмнинг тарихий образлари қуй, оҳанг ва ҳаракатлар орқали тилга ки-ради. Бу эса анчагина меҳнат талаб этади. Шундай эмасми?

— Рақсларда айнан ҳаётий ҳақиқат ақс этади. Тарихчи Геродот ёзгани-дек, "Қадимги Амударё бўйларида яшаган массагетлар гулхан атрофида йиғилиб, холдан тойгунча рақс тушган-лар...". Мана шу битта жумланинг

яратганман ва миллий хоразм рақс-ларини бир неча гуруҳларга бўлганман. Мазкур рақсларнинг барчаси бугун моҳир ижроچиси ва шинаванда мух-лисига эга бўлиб, уларда шогирдла-римнинг истеъодли, тиришқоқлиги ва меҳнатлари мўжассам.

— Хоразм рақс макта-бини янада ривожланти-риш учун қандай вазифа-ларни амалга оширишни режалаш-тиргансиз?

— Хива шаҳрида ўтказилган "Рақс сеҳри" халқаро фестивали ёш истеъ-одларни излаб топиш ва кашф этиш, уларнинг ижодий фаолиятига қўмақла-шиш, ёшлар онгига миллий ва этник хилма-хиллик, турли халқлар анъана-ларига ҳурмат ҳиссини шакллантириш, ёшларнинг санъатга қизиқи-ши, ижодий фаолиги ҳамда иктидорини рағбатланти-риш ҳамда бошқа халқлар-нинг рақс санъати билан

яқиндан танишиш имконини берди. Ушбу фестивал доирасида рақс уста-лари иштирокида ўқув-машғулотлари ташкил этилгани айни мудоаа бўлди. Шу каби машғулотларни бундан буён ҳам мунтазам йўлга қўйишни ният қил-ганмиз. Шу билан бирга келажақда юр-тимиз ва дунё саҳналарида "Ойнечак", "Шохсанам" каби рақслар орқали та-рихий образларни жонлантиришни ният қилганман. Айни пайтда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ви-лоят бўлими билан ҳамкорликда "Лаз-ги" миллий рақсимизни ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритиш ҳаракатидамиз.

Хоразм рақс санъати халқ оғзаки ижодининг қадим илдириларидан куч олиб, ривожланиб, шу кунларга етган экан, ишонч билан айта оламизки, бу-гунги рақс санъатимиз нафақат Мар-казий Осиё, балки бутун дунёда ўз ўрни, салоҳиятини мустаҳкамлашга муваффақ бўлади. Бунга истиқлоли-мизнинг 25 йили давомида тикланган маънавий қадриятлар, халқ фольклор санъатининг ривожланиб, замонавий санъат оламида яқриб кўринаётган гувоҳлик бериб турибди.

Дилрабо **ЖУМАТОВА**
суҳбатлашди.

Журналларни варақлаганда

тақиллик йилларида санъат ва мада-нийат" номли мақоласида истиқлол даврида эришилган маданий ютуқлар ва ўзгаришлар ҳақида сўз боради. М.Аҳмедовнинг "Истиқлол меъморчи-лиги", А.Хайдаровнинг "Қадр топган қадриятлар" каби мақола-ларида қайта тикланган миллий қадриятларимиз ҳақида маълумот берилган. А.Хўжаевнинг "Ўзбеки-стон тарихи қадимий Хитой манбаларида", А.Ҳакимов-нинг "Қадимги суғд мад-ҳияси" мақолаларида кел-тирилган тарихий маълу-мотлар ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Фор-

бий, Беруний, Ёқуб ал-Киндий каби буюк алломаларимиз фаолиятининг турли қирраларини ёритишга ба-ғишланган мақолалар, Бухородан топишган, муаллифи номаълум муси-қий рисола ҳақидаги материал халқимиз ўтмишига қизиқувчилар учун қўл келади.

Шунингдек, Хоразм халфачилик санъати, Туркистонда китоб чоп этиш тарихи, Марказий Осиё санъаткор аёллари, Фарғона тўқимачилиги, аёллар кийими, юртимиз тарихий ёдгорликлари ҳақидаги бошқа ма-қолалар ҳам ўз ўқувчисини топади, деб ўйлаймиз.

Ю.ЎРМОНОВА

ҚАДИМ МАНЗИЛЛАРДА ЯНГИ КАРВОНЛАР

Бухорога “Афросиёб” да, Андижонга “тезюрар электр поезд” да саёҳат. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги байрами арафасида Ўзбекистоннинг яна икки қадимий шаҳри тезюрар ва юқори тезликда ҳаракатланувчи электр поездлар қатнайдиған манзилларга айланди.

“Афросиёб” поездди “Мароканд” бекатидан ўнгга бурилиб Навоий шаҳри томон елиб бораркан, янги электрлаштирилган йўлнинг равлонлиги поезд тезлигининг соатига икки юз километрга яқинлашганидан ҳам сезилиб турарди. Меҳнат фахрийлари, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда пойтахт жамоатчилиги вакиллари шинам вагонларда ўзаро суҳбатлашиб бо-ришаркан, юртимиз манзараларидаги ўзгаришлар, янги боғ ва замонавий қишлоқлар жамоли кўзни қувонтирар эди. Уч ярим соатда шариф шаҳарга етиб келган меҳмонлар қадим Бухоронинг таъмирдан сўнг келинчақдек гўзал қиёфа касб этган темир йўл вокзали, ундаги замонавий қулайликлардан хайратга тушишди. Гулу гулзорлар, фавворалар безаб турган вокзал олди майдонида воқеа муносабати билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б.Зокиров, Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари М.Абдуллаев, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти раиси О.Раматов, Навоий шаҳри хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Темирова, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Б.Жумаев ва бошқалар янги темир йўлнинг вилоят аҳолиси фаровонлигини ошириш, иқтисодиёт ва сайёҳлик салоҳиятини ривожлантиришда улкан аҳамиятга эгалиги ҳақида сўзлаб, барча бунёдкорликларимиз раҳнамоси бўлган мамлакат Президентига ўз миннатдорликларини изҳор этдилар.

Янги равлон йўл бунёд бўлиши учун темир йўл қурувчилар фидокорона меҳнат қилишди. Мароканддан Бухорогача бўлган йўлнинг 145 километри янгидан барпо этилиб, 114 километри модернизация қилинди, тўртта вокзал, 222 та сўйиш иншоот қурилиб, замонавий электр поездларнинг юқори тезликдаги ҳаракати таъминланди. Янги йўналишдаги поезднинг биринчи йўловчилари шу кунни ҳазрат Баҳроуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, қадим Бухоронинг янги манзаралари билан ҳам танишдилар. Бухоро сафаридан завқланиб, пойтахт сари қайтар эканмиз, таниқли публицист адиб Алиназар Эгамназаров ҳамда Ўзбекистон давлат Геология кўмитасининг экспедиция бош муҳандиси Нуриддин Муродов билан суҳбатимиз қизигандан қизирди. Истиклол йилларида очилган кўллаб янги конлар қидириб топилиши, ишга туширилишида геолог мутахассис сифатида Нуриддин Жабборовичнинг ҳам муносиби ҳиссаси бор. Айниқса, тоғлар, чўлу саҳралар бағридан янги темир йўл ва автомобил йўллари ўтказилаётганда контопар мутахассислар фикрини ҳам инобатга олиш зарур бўларкан. Негаки, йўл ўтаётган жойларга трассанинг асосини ташкил этувчи шағал, қум ва бошқа қурилиш ашёлари яқинлиги ишнинг кам харажат билан тезроқ битишини таъминласа, бошқа минерал хом ашё ресурсларининг мавжудлиги эса, бу конларни янги йўллар имкониятидан фойдаланиб ишга туширишда кўл келаркан. Масалан, Деҳқонобод каллий ўғитлар заводида қурилиши ва бугунги кунда ўз махсулотини мамлакат эҳтиёжидан ташқари хорижа ҳам экспорт қилаётгани, Сурхондарёнинг Хонжиза тоғларида янги конларнинг ўзлаштирилаётгани “Тошгузар — Қумқўрғон — Бойсун” темир йўлининг шарофати ҳисобланади. Кўксини “Меҳнат шухрати” ордени безаб турган ҳамсуҳбатимиз гувоҳлик беришича, ҳозир қурилиши бошланган “На-

воий — Конимех — Мискин” йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл ҳам, аввало, Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистонга юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатновига йўл очса, иккинчидан, Қизилқум саҳросидаги кўпгина янги конларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш истиқболларини вужудга келтиради.



“Ангрен — Поп” темир йўл тармоғи ва Қамчиқ довонида 19,2 километрлик туннелнинг барпо этилиши ҳам бутун мамлакатимизда катта воқеа бўлди. Шу йилнинг 22 июн кунин Президентимиз Ислон Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирокида пойтахтимизда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истиқболли лойиҳаси — Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтганидан кўпчиликнинг хабари бор. Мазкур қурилишнинг хорижлик экспертлар “Аср қурилиши” деб баҳолагани бежиз эмас. Негаки, истиқлол яратган бекиёс имкониятлар, Юртбошимиз раҳнамоллиги туфайли ўзбек халқининг асрий орзуси ушалди. Президентимиз қурилиш бошланган кезларда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида халқимизга қарата шундай деганди: “Бу туннел Ўзбекистоннинг марказий қисмини Фарғона водийси вилоятлари билан ишончли боғлаш, мамлакатимиз ҳудудига ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш бўйича ишларни якунига етказишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, у Европа қитъасини Осиё билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади”.

Мазкур қурилишда хорижлик ҳамкорлар иштирокида гўят қисқа вақтда амалга оширилган ишларга жаҳон қойил қолмоқда. Янги темир йўл фойдаланишга топширилиб, олис манзилларни яқин қилувчи поездлар қатнови йўлга қўйиладиган кун ҳам етиб келди. Шу муносабат билан Погдан Қўқон ва Андижонгача бўлган мавжуд темир йўл тармоғи ҳам электрлаштирилиб, реконструкция қилинди. Бу эса Қамчиқ довоини орқали поездлар қатнови очилиши билан Тошкент ва Андижон шаҳарлари орасида тезюрар электрпоезд ҳаракатини йўлга қўйиш имконини яратди. Бинобарин, эндиликда пойтахт-

дан Андижонга атиги беш ярим соатда етиб бориш мумкин бўлди. 27 август кунин янги йўналишдаги ана шу поезднинг биринчи йўловчилари сафида саёҳат қилиш бахтига муяссар бўлган ҳамкасбимиз Дилшод Жалоловнинг ҳикоя қилишича, зиёлилар, меҳнат фахрийлари, ёшлар, Фарғона водийси меҳнат жамоалари вакиллари бағрига олган, шинам вагонлардан иборат замонавий поезд қисқа вақтда довол ошиб, Андижонга етиб борган. Янги йўлдан келган янги тезюрар электр поезднинг биринчи йўловчиларини андижонликлар қарнай-сурнай садолари остида гуллар билан кутиб олишди. Вокзалнинг янги биноси, қайта таъмирланган вок-

ОМОНИК ЙЎЛИ

Довон энди равлон йўлди,
Бизга берди замон йўл.
Кечалари — Сомон йўлди,
Кундузлари — осмон йўл.

Эртосойини сақлар тошлар
Мавжларини симирай,
Сойлар қирдан қирга жушар,
Эркаланиб, чалиб най,

Навосида поезд елар —
Тоғ бағрида шамолдай.
Қоялардан ошиб келар
Оппок, учқур хаёлдай.

Бир хаёлки, орзулар-у
Соғинчи самоча бор.
Кўнглиларини тоғ қилар у —
Манзили висол, дийдор.

Йўқ, хаёлмас, бу йўл — дарё,
Мавжи орзу-армонлик.
Тоғлар деҳқон кафти тўё —
Дуо қилар — омонлик.

Довон йўли равлон йўлди,
Буюк Ипак қарвон йўл.
Бахт манзили бир он йўлди,
Омон йўл, бу — Омон йўл!

ХУМОЮН

гача бўлган темир йўлларнинг муайян қисмини қайта қуриш ва модернизациялаш орқали тезюрар электр поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари ҳам Ўзбекистоннинг йўлсозлик соҳасидаги улкан тараққиётини амалда намоён этаётди.

XXI асрда янгидан барпо этилаётган Буюк Ипак йўлининг таркибий қисмини ташкил этувчи бу йўллар юртимизни кенг жаҳоннинг улкан тараққиёт манзиллари билан боғлайди.

М.ЭШМУРОДОВ

Гурур ва ифтихор

Шу йилнинг 5-21 август кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларни тақдирлаш маросими 29 август кунин Пойтахтимиздаги “Олимпия шон-шухрати” музейида бўлиб ўтди. Айтиб ўтиш керакки, юрт шаъни шарафини юксакларга кўтарган шижоатли азамат ўғлонларимизнинг кўрсатган матонати ўзбек ёшларига катта ибрат мактаби бўлиши шубҳасиз.



ГАЛАБАМ ЮРТИМНИНГ ГАЛАБАСИДИР

Хасанбой ДҲСМАТОВ,
Бокс бўйича Олимпиада чемпиони:

Ўз тақдирини ўзи тугилиб ўсган она Ватан тақдири билан чамбарчас кўриб, унинг бахту иқболи, нурли келажаги йўлида қай-гурган ҳар бир ватандошимиз ўйламанки, Истиклолимизнинг 25 йиллик муборак тўйига муносиб тўёна қилишни дилига тугиб қўйган.

Барча юртдошларим сингари менинг ҳам қалбимда ана шундай эзгу ва оташин ният жўш уриб келаётган эди. Бунда XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари юксак ниятларимни амалга оширишим учун керакли майдон эканлигини тушундим. Шунга яраша юртим номини, ору номусини ҳар нарсадан устун қўйиб, оғир вазиятларда ҳам бўш келмай ғайрат қилдим.

Қўлга киритган олтин медалимни мустақиллигимизнинг 25 йиллик улуғ ва қутлуг санасига барча тенгқурларим ва бутун Ўзбекистон ёшлари номидан совға қиламан.

Руслан НУРИДДИНОВ, Оғир атлетика бўйича Олимпиада чемпиони:

Олимпиада рекорди камдан кам янгиланади. Мен ана шундай бахтга мушарраф бўлганимдан жуда ҳам мамнунман. Буни нафақат ўзимнинг рекордим, балки бутун ватандошларимиз, она Ўзбекистонимизнинг рекорди деб биламан. Мусобақа пайтида ҳар бир ўзбекистонлик мени қўллаб-қувватлаб турганини ич-ичимдан ҳис қилдим. Уларнинг ҳайқириклари ичимда олов ёқиб тургандай бўлиб турди. Ахир, сенга шунча миллатдошларинг кўз тикиб, сен билан бирга бўлиб, қўллаб-қувватлаб турганда қандай қилиб галаба қозонмаслиқ, рекорд ўрнатмаслиқ мумкин.

Бизга ишонч билдириб, бўш келманглари, ғайрат қилинглари дея мадад бўлиб турган халқушимизнинг, Юртбошимизнинг ишончини оқладик, муҳими элу юрт олдида юзимиз ёруғ бўлди. Жонажон Ватанимизнинг энг улуғ, энг азиз байрамига муносиб тухфа ҳозирлаганимиздан бошимиз кўкка етди.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Истиклолимизнинг юз йиллик, минг йиллик санасида ҳам ўзбек спортчилари дунёни лол қолдириб, юртимиз шарафини кўкларга кўтариб, гурурланиб, галаба қозониб юрaversин, деймиз.

Фазлиддин ҒОИБНАЗАРОВ, Бокс бўйича Олимпиада чемпиони:

Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳар бир спортчининг орзуси саналади. Мен ҳам спорт тўғрисидаги илк марта борган кунимдан бошлаб шу қатъий ният билан ҳаракат қилдим. Бу ният амалга ошиши учун узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтишимга тўғри келди. Ҳар қандай қийинчиликлар олдида бўш келмай, ғайрат қилдим. Қолаверса, Юртбошимизнинг бизга билдирган ишончини бир лаҳза бўлса-да, унутганим йўқ.

Ватанимиз байроғини Олимпия ўйинларида баланд кўтарганимдан жуда ҳам бахтиёрман. Менинг галабам — бутун Ўзбекистоннинг галабасидир. Биз ёшлар, озода ва обод юрда тугилиб вояга етганимиздан ва халқаро майдонда Ўзбекистон номидан мусобақага чиқаётганимиздан доимо фахрланамиз. Президентимизнинг ёшларга қарата марра-ри доимо баланд олинг, Ўзбекистон ёшлари ҳеч қимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайдиган, деган қатъият бағишлайдиган сўзлари қалбимизга муҳрланган. Олимпия ўйинларидаги олтин медалимни барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлайман.

Шаҳобиддин ЗОИРОВ, Бокс бўйича Олимпиада чемпиони:

Ғолиб бўлганимдан кейин байроғимизни кўтариб чопдим. Албатта, Ўзбекистонимизнинг байроғи кўтарилганда, Ўзбекистонимизнинг давлат мадҳияси янграганда ҳар сафар янгидан-янги таърифлаб бўлмас кечинмаларни бошимдан ўтказдим. Ғолиб бўлганим, ўз Ватанимизнинг мадҳияси янграб, байроғи баланд кўтарилаётган дақиқаларда асло унутилмайдиган.


Барча орзиқиб, интиқиб кутган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига кетишдан олдин “Гўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган ширин юрак-юрагимга жо қилиб, бўлажақ беллашуларда юксак натижаларни қўлга кириштиришга ва қутлуг байрамимизга муносиб тухфа билан қайтишга аҳд қилгандим.

Менинг галабам — барча юртдошларимизнинг галабасидир. Бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган Президентимизга, халқимизга, яқинларим ва устозларимга самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман. Қўлга киритган олтин медалимни мустақиллигимизнинг 25 йиллик улуғ санасига барча тенгқурларим ва бутун Ўзбекистон ёшларининг совғаси деб биламан.

Шунингдек бу йилги Олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиз Бектемир Мелиқўзиев, Шаҳрам Ғиёсов қумуш, Дийёрбек Урозбоев, Ришод Собиров, Рустам Тулагов, Элмурод Тасмуродов, Ихтиёр Наврўзов ҳамда Магомед Ибрагимов Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобида бронза медалларини тақдим этди.

Уларнинг кўрсатган матонати ҳам, шубҳасиз, барча юртдошларимизни бирдай қувонтирди.

Жўрабек ЖАҲОН тайёрлади.



УЛУҒ АЙЁМГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмсида бўлиб ўтган навбатдаги Фаоллар йиғини Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланди. Унда Ёзувчилар уюмси Фаоллар йиғини аъзолари, шоир-ёзувчилар, уюшма ходимлари, ёзувчилар поликлиникаси, “Дўрмон” ижод уйи ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирини Ёзувчилар уюмси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб, Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотлари, унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган ижодкорларни табриклади.

— Ўзбекистон Ёзувчилар уюмсидаги 19 нафар аъзоси юксак мукофотга лойиқ қўрилгани, бу уюшманинг катта муваффақиятидир, — деди у ўз сўзида. — Бинобарин, ўз бадийи асарлари, очерк ва публицистик мақолалари билан мамлакатимизда тўб ислохотларни фидокорона амалга ошираётган бунёдкор халқимизга қамарбаста бўлаётган ёзувчи-шоирларимиз уюшмамизнинг энг фаол аъзоларидир.

Йиғилишда Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида қўлга киритилган муваффақиятлар, замон мўъжизасига айланган бугунги улкан қурилишлар ҳақида гапирildi.

Тадбирда улуғ айём арафасида “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” кўкрак нишонин билан тақдирланган Ёзувчилар уюмси аъзоларига гувоҳнома ва нишонлар топширилди.

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ”


2016 йил, июл сони

Анъанавий “Навоий сабоқлари”да бу гал “Наводир уш-шабоб”дан “Бедалинг хайли русул...” деб бошлангандагиз газални, унинг насрий баёни, умумий мазмунини, русча ва инглизчага тағлама таржималарини ўқийсиз.

“Нобел совриндорлари” рукни остида Фарб адабиётининг икки йирик намоёнаси ижодидан намуналар берилган. Атоқли немис адиби Томас Манн қаламига мансуб икки ҳикояни аслиятдан Мирзали Акбаров таржима қилган.

Яна бир Нобел мукофоти совриндори Тони Моррисоннинг “Ўз уйим...” номли романини журналнинг ушбу сонидан ўқий бошлайсиз. Асарни Дилдорхон Алиева ўзбекчалаштирган.

Атоқли рус шоири Михаил Светловнинг ўнга яқин шеъри Абдулла Шер таржимасида босилган.



Журналларни варақлаганда

Андижонийнинг мақоласи ва А.Қосимов таржима қилган Эврипиднинг “Медея” асаридан парча, А.Сабириновнинг “Ойбек ва Улут Уитмен”, Қ.Назаровнинг “Адабиёт фалсафаси” мақолалари, А.Аъзамнинг “Грузия сафари” эссеси ҳам журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган.

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Бош
муҳаррир
Сирожиладин
САЙИД

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулҳебра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РҲЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.06

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адаби — 3673. Буюртма S — 6889. Ҳажми — 3 босма табақ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Таъкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Санаъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

ЖУМА КҮНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

